

84  
А-35

Воспит АХМАД

# Баобабни қайдадан топаман?



84  
4-35

Книга должна быть  
возвращена не позже  
указанного здесь срока

Количество предельных  
выдач \_\_\_\_\_

|  |  |
|--|--|
|  |  |
|--|--|

2484

Восит АХМАД

# БАОБАБНИ КАЙДАН ТОПАМАН?..

Ҳажелар, ҳажғий ҳикоятлар ва  
таржумалар



Беш, оғиз, қўл, кўз, тили  
сезми, дини, диндорлар  
халқимизнинг

OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ  
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI  
AXBOROT RESURS MARKAZI  
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ  
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI  
AXBOROT RESURS MARKAZI

"Наврўз"  
Тошкент - 2014



КБК 84.11 (ЗЎ36)

А-35

Ахмад, Восит

**Баобабни қайдан топпаман?... Ҳажвад, ҳажвий ҳикоялар ва таржимаалар/В. Ахмад; – Тошкент: «Наврўз», 2014.-216 бет.**

**Масъуд муҳаррир:**  
Шодмон Отдбек

Анджонлик истеъдоди диди Восит Ахмаднинг янги китобида аввалроқ турли нашрларда эълон қилинган ва сўнгги йилларда ёзган ҳажвиялари, айрим таржимаалари киритилган. Ҳажвиялар ҳаётийлиги, мавзунинг ўзига хос йўсинда тақдир этилганлиги, яхши топишлар, бетакрор деталлар, характерларнинг ёркинлиги билан диққатга сазовордир. Ўтпалам қулгу ихлоسمандарига манзур бўлади деган умиддан.

КБК 84.11 (ЗЎ36)

ISBN 978-9943-381-42-1

© «Наврўз», 2014

## ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Истеъдоди қадимкиш Восит Ахмад ижодини узоқ йиллардан бун кузатиб келаман. У турли жанрларда ижод қилса – ая, кўпроқ ҳажвий асарларни билан танидим. Ушбу жанрда у ўзини эркинроқ сезди. Унинг янги – “Баобабни қайдан топпаман?” тўпламини қониқиб билан ўқиб чиқдим. Иланишлар яхши самара берганлиги яққол сезилди. Аксариyat ҳажвиялар ҳаётийлиги, табиийлиги, қулуғнинг мавзодорлиги билан диққатга сазовордир.

Ўтпаламдаги ҳажвияларнинг мавзуси мундоқ қаратганда анъанавий, яъни ҳажвийет жанрида ижод қилувчи дидлар томонидан кўп ва хўп ёзилганга ўхшайди. Назаримда, Восит Ахмаднинг ютуғи шундаки, у ўзининг олдинги дидларни айнан такрорламайди, мавзунинг ўзига хос йўсинда тақдир қилишга интилади ва бунга аксариyat хоҳларда эришади.

“Ҳаёти махлук” ҳажвиясида жамият ривожига мангу тушов бўлиб келатган, кўпчиликнинг азият чекишига сабаб бўладиган порахўранк илаҳи қораланади. Порахўр қимсаннинг эса қоларин қиёфаси яратилди. Муаллиф бўрттириш усулидан унумли фойдаланган. Унинг порахўрин одам эмас, махлук, деб аташда жон бор. Ҳатто онасида ҳам пора таби қинадиган қимсани бошқача аташ мумкин эмас.

Китобадаги “Тўй ҳақида гаплашдик, хоҳос”, “Паразит”, “Авария” каби бир туркум асарларда урф – оадатларимиздаги (айниқса тўй – туҳналардаги) арамас оадатлар ҳажв қилинади. Муаллифнинг бу мавзуда кўпчилиги ёзиши бежиз эмас, адибга. Бу масалада тарқи ҳукумат қарор чиқарган, матбуот тинмай ёзаётган бўлса-да, ахвол ўзгармаётганлиги афсусдандир.

Маълумки, ҳушомадгўйлик, ятоққаниш жирканч илаҳ. Афсуски, айрим ҳажвийетсиз, гуруресиз одамлар ҳушомадгўйликни ҳаёт тарзига, тиркичилик воситасига айлантирган. Ўтпаламдаги энг сара ҳажвиялардан бири – “Бошиқнинг шомчиси” асарининг қаҳрамони ана шундай одам. Бу қимса аввал бошиқнинг ўзини, кейин унинг қариндош – уруғларининг мақтайди, ахйри гап топпаман қолган, раҳбарнинг шомчисини мақташга ўтган, ахйри ўзи ҳам шарманда бўлади. Ушбу ҳажвия ҳаётийлиги, доаларбалиги билан ҳам китобхон эътиборини тортади. Сир эмас, сўнгги йилларда маблаг эвазига ўзи ҳақида китоб ёздирадиганлар ва “Ўзининг эланини сўториб, пулнини ол” нақилга амад қилиб, шу ишни ўзига қасб қилиб олган қадимқашлар тонфаси пайдо бўлди. Уларнинг қаҳрамонлари орасида эа - юртда анча – мунча ном чиқарган шахслар ҳам борлиги афсусдандир.

Восит Ахмаднинг айрим ҳажвияларида эр – хотин ўртасидаги можаролар ҳикоя қилинади. Сир эмас, бу мавзуда ҳажвичилар кўп мувоқат қилишди. Воситжоннинг қадими ҳам бу мавзуда илаҳроқ



йўрғалайди. Муаллиф бир қарашда арзишасизек туюлган воқеа - тафсилотлардан умумлашма ҳулоса чиқаришга интилади. Бу жиҳатдан "Қалтак емай десанг...", "Рақобат" каби ҳажвиялар алоҳида ажратиб туради.

"Чиптасиз одамлар", "Дум", "Кўзингги каттароқ оқ" ҳажвияларида маданиятсизлик, маънавиятсизлик, билансизлик устидан қулинади. Яхши топишма, бетакрор аеталар, пишиқ - пухта аналоглар ҳажвияларнинг баъдий қийматини оширган, уларни қизиқарли ва ўқишли бўлишини таъминлаган.

Қаҳрамонларга муносиб исм қўйиш бир қарашда осонга ўхшаса - ая, асанда ундай эмас. Воситжоннинг ютуғи - қаҳрамонларига исм қўйишда янгилишмайди. Исмларнинг маъноси қаҳрамонлар характерида, уларнинг қандай одам эканлигига ишора бўлиш барибарида раъзийдай туюлади. Масалан, унинг ҳажвияларидаги Бебуробек Қайтаров, Қўйсинбек Уфатбеков, Сарушев, Олёр Мевалиев, Ёзгоний каби исми жисмига монана исм - шарифларни ўқиган китобхон бехитибёр завқланиб кетади. Бу жиҳатдан Воситжон қаҳрамонларига муносиб ном қўйишда беҳисс маҳорат эгаси бўлган устоз адиб Незмат Аминовни (Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) эсатгади.

Мавридан келганда устозлардан ўрганлиш ва таъсирланиш ҳақида икки оғиз тўхталиш жоиз.

Воситжоннинг айрим ҳажвияларида жаҳон ҳажжётининг улкан намоёндоиси Азиз Несиннинг таъсири яққол сезилади. Шунингдек, устоз адиблар - Саид Аҳмад ва Незмат Аминов ижодини яхши ўрганганлиги безз кетмаган. Адабиётда бундай таъсирланиш, устозлар таърибасидан баҳрамандлик ижобий баҳоланади. Устоз адиб Абдулла Қаҳҳорнинг Чеховдан ўрганганлиги ҳақида қўп айтилган ва эътибор.

Воситжон ижода суяги анча қотган, маълум ютуқларга эришган адиб. Бу боис унга таабни баландроқ қўяверсак, айрим истакаларни очикроқ айттаверсак ҳам бўлади.

Китобга бирмунча бўшроқ, ҳади қийметга етмай қолган ҳажвиялар ҳам кириб қолган. Тўпلامдаги асарлар жидаийроқ сараланса мақсадга мувофиқ бўлув эди. Шунингдек, китобда тоғо тахрирланиб жумалар, ноўрин қўлашдан сўзлар учраб қолди. Тил адабиётининг биринчи элемент эканлигини унутмаслик керак.

Ҳулоса қилиб айтганда, айрим жузвий қамчиликларига қарамай, Восит Аҳмаднинг янги тўплами китобхонда илқ таассурот қолдиради. Муаллиф изашлиларини яна давом эттирса, бундан ҳам яхши натижаларга эрилиши мумкин. Унинг ижодига баркамоллик тилаб қоламиз.

Шодмон Отабек,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Ушбу китобни биринчи устозим  
Олимжон Усмонов хоттирасига ҳамда  
бирор асару билан ёки бир сизра ўшати орқали  
ёхуд бирозигина маслаҳати ила илҳом берган,  
машқларимга сайқал ато этган барча  
устозларга бағишлайман

## ҲАЖВ ВА ҲАЖВИЙ ҲАҚОЛАД

### ҒАЛАТИ МАХЛУҚ

Шифокор-рухшунос ҳузурита ғалати нухса кириб келди. Унинг афт-башараси одамга ўхшайдию, лекин кўзлари бу олам кишиникига ўхшамас, жуда ҳам бежо эди.

— Дўхтир, — дедию у атрофга алантлади. Нарироқда иш билан банд ҳамширага «Ортиқчасан!», дегандек хўмайиб қаради. Ҳаким кўзи билан ҳамширага «Чикиб турин!» маъносига имо қилди.

— Дўхтир, — дея бемор яна бир марта чор-атрофга разм солиб олди-да гап бошлади. — Сир сақласангиз, бир дардимни айтардим.

— Кани, кани, бу ердаги гаплар ташқарига чикмайди. Хотиражаминга сўзлайверинг.

— Оғир дардга чалиндим, дўхтир. — Унинг гапининг юки оғир эдию, лекин юзида шу юк акси йўқ эди. Сурбетларча бақрайиш-у, юлтичларча қараш бор эди, холос. — Жуда ҳам оғир.

— Хўш, хўш.

— Дўхтир, — деди-да пичирлаб давом этди. — Пора олсам кўрагим, юракка яқинроқ еримда қаттиқ оғрик турадиган бўлиб қолди.

Ҳаким унга хайратга боқди-да тилига шу сўзлар келди, холос:

— Пора олмай кўйинг, вассалом.

— Кани эди, дўхтир. Олмасам қорним, ошқозонимга яқинроқ еримда шу қадар оғрик туради-ки, асти қўяверасиз — дедию, «Энди сен сўзла», дегандек шифокорга бақрайди.

Ҳаким қаттиқ уйга толди. Бунақа беморга илк бор дуч келиши эди-да. Нима ҳам дерди. Беморларга бериладиган чай-напган саволни берди.



– Хуш, качондан бери шундай бўлади?

– Аслида бунга анча бўлган экан-у, эътибор бермас эканман. Аввал онда-сонда санчик турарди, кейинроқ бот-бот санчидиган бўлди. Энди эса... пора олсам юрагимда, олмасам қорнимда...

– Нафс ва виждон кураши, -дея пичирлади шифокор...  
– Нима дедиз, дўхтир?

– Ичингизда икки армия уруш бошлапти, дейман. Хайронман, ўрток бемор. – Ҳақимнинг беморга биринчи марта ташхис қўя олмай ўйланиб қолиши эди. Шу билан бирга ундан тезроқ кутулиш пайида ҳам эди. Унга беморнинг ўзи ёрдам бериб юборди.

– Битта давосини сал сезгандек бўлиб юрибман... Маслаҳат берсангиз, шуни қўллардим.

– Хуш. – Дўхтирнинг юзига ёруғлик тушди.

– Шу десайз, пора олгандан сўнг, киттак ичиб олсам юракдаги оғриқнинг бироз қолишини қузатдим.

– Ўрток бемор, мақсадим сизни бу исканжадан фориг қилиш эди. Модомики, бошқа йўлини толган экансиз, марҳамат. Пора ва арақ қабиҳликда бир-биридан қолишмайди. Қоронғида топишди деганларидек – иккаласи бир бўлиб виждоннинг популини пасайтиришга керак-да.

– Ох, дўхтир, генийсиз. Точний диатноз кўйдингиз. Шундай қиламан. Эплек берса, сизга яна учрайман.

Шифокор уни қузатар экан, «қўзимга кўринмасанг ҳам хафа бўлмайман», дея хаёлидан ўтказди. Ҳалати нусха кетдию, хонада қандайдир гўбор қолганди. Ҳақимнинг юраги сиқилди, диққинафас бўлди. Деразани очиб юборди.

Қуллар ўтиб шифокор фаройиб беморни унуттандек эди. Лекин у бир кунни Ҳақимнинг хонасига яна тўсатдан келди. Унинг юзи ўта тўлишиб, кип-қизил гўшта айланган. Ўша гўшт орасида ёниб турган икки кўзи юлдузни бенарвон уришга шай эди. Шифокор унинг кўзларига дош беролмай, юзини дераза томон ўтирди. У одамга шунчалар оч назар билан боқардики, илложи бўлса ҳеч нарсаси бермасанг, юзингиздаги холинингни юлиб, сепкиллариңгни териб олса. Такаллуфсиз сўзлашга тушди.

– Сизнинг қабулингиздан кейинроқ ишга бордим. Биласиз, масъул лавозимдаман. Тез-тез келиб туришадим. Келгандам... Сиз айтгандек синовни бошладим. Шу кунни пора олмасам бўлмас. Уйга бордим, қоронғи уйда диванда шилга қараб ётиб си-

гарет тутата бошладим. Хона тутунга лик тўла, ҳамон чироқни ёқмай ётибман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, дўхтиржон, шу маҳал юрагимнинг юқориси ҳам, ости ҳам каттик оғрий бошлади. Шу қадар ёмон санчик турдики, ихраб кўзларимни юмиб олдим.

Бироз ўтгач, ўзимга келиб кўзимни очсам, қаршимда икки та махлук турибди. Ўзим эса қушдай енгил бўлиб қолибман. Уларни махлук, десам унчалик тўғри бўлмас. Одамга ўхшаш бошлари бор, бошқа аъзолари ҳам. Икковининг ҳам бўйи тенг. Уларни фақат битта нарса билан фарқ қилиш мумкин эди. Бирининг боши кичик, қорни катта. Иккинчисининг боши ошқовоқдек, қорни кичик. Ҳа, айтгандек, кўзларидан ҳам ажратса бўларди. Боши каттанинг кўзлари чиройли боқар, боши кичикнинг кўзлари шу қадар хунук эдики... Ишонасизми, йўқми, дўхтир, иккаласи бир-бирига қараб теша тегмаган сўзлар билан бир-бирини хўл «сыйлашди».

– Уу лаянати, ўзинг бунга, – дея тутундай тебранаётган бармоқлари билан мени кўрсатиб гапира кетди йўғон қоринли иккаласи каттага. – Бир тийин топиб беролмайсан-у, яна уни тайёр пулдан қолдирдинг-а, ах, нодон, хў аҳмоқ.

– Тийинни тий, мен уни харом лўқмадан қайтардим, – деди боши катта, қорни кичик.

...Махлуклар шундан сўнг мушталлашга тушди. Нақ боевинк фильм, дейсиз. Қуралишди, бокс тулишди, қарата, дейсизми. Анчадан кейин иккаласи ҳам хоришиб, қонга беланишиб, оёғим остига қулашди. Сигарет тутунни тарқалганда улар гойиб бўлишди. Шунда ўзимни оғирлашгандай хис қилдим.

Дўхтиржон, эртасига пора берувчилар яна олдимга қирлишди. Конвертлар назаримда кечатидан семирроқ эди. «Ол-а» дедиму пораларни олдим. Ахир уларга асфальт ўлмаган автобуслар олишига кўмаклашдим-да. Лекин шу пайт юрагимнинг юқориси санчиб оғрий бошлади. Турсам бўлмайди, утирсам багтар оғриқ тутди. Пулни ўша еримга боссам, оғриқ аксинча авж олди. Шундан кейин буфетга тушиб юз граммгина ичиб олдим, ҳалиги оғриқ тапа-так тўхтади...

Ҳалиги махлуклар шу кунни кечқурун ҳам танамдан чиқиб, «томоша» кўрсатишди. Боши катта, қорни кичик бўлашиб, анча майяс бўлиб қолибди. Қорни катта, боши кичиғи эса, кечатидан анча ўсибди. Қўлини рақибига ниқтаб-ниқтаб масқарапар, менинг елкамга гурсиллатиб уриб қўярди.



— Асп экансан, мана шунака бўлиш керак! Рақибининг кўзларидан эса дув-дув ёш оқарди...

Пул олиш ҳам аражага ўшаркан. Бир марта олгунча экан. Кейингиларига кўлинг чўзилавераркан. Аввалига хожатларини чиқариб, пора олсам, бора-бора бесабаб ҳам узатишларини талаб қилардим. Танамдаги қорни катта махлук қанчалик ўсиб бора, мен ҳам шунчалик «ўсиб» бордим. Пора олиш йўлларини, усулларини сувдек ичиб юбордим. Бу йўлда ўзимнинг кашфиётларимни яратдим. Хатто шу даражага бордимки, хотиним мени бозорга юбормоқчи бўлса ёки болалар бирор нарсани олиб келишимни айтиб қолгунча ҳам, пора талаб қилардим. Қари онам бор. Тез-тез оёғини уқлатишни хоҳлаб қолади...

— Сиз албатта рози бўлмасангиз керак, -деди дўхтир хайрат-ла.

— Нега энди, уқалаб қўяман, фақат пора эвазига.

— Махлуклар-чи, — деб гани бўрди энсаси қотган дўхтир. — Бир кунни улар яна пайдо бўлишди. Боши кичик, қорни катта махлук дедвек бўлиб, мойга ботиб, рақиб эса кич-райиб, шалвираб қолибди. Шу пайт дедвек махлук рақибини тасира-тусур қилиб ура кетди. Роса уриб қонга белади. Мен ажратмоқчи эдим, у елкамга уриб ўтказиб қўйди. Ҳамма ёғи қонга беланган ювош махлукка раҳимим келди. Чунки у ҳам танамдаги бир аъзодек эди-да.

Сўнги марта кечати тунда кўзлари хунук махлук ёлғиз хонамда яна пайдо бўлди. Ёнида рақиб ийи эди. Нахотки... Махлукка бундоқ рази солсам, кўйлаги орасидан кўриниб турган баданида ўйиб ёзилгандек сўзлар битилган экан. Худди қамқондан чиққандек. Уларни ўқий бошладим. «Порахўр», «қолғич», «ноинсоф», «баднафс», «олғир», «мараз». Энг юқорисиди эса «жар» сўзи турарди. Демак, мен шу чўққига — жар томон кетаётганимни, дўхтир?

— Ўртоқ бемор, сиз ўз «йўлнингиз»ни топиб олибсиз. Кетинингиз мумкин, беморлар кўлиб қолгунча, — дўхтир ўрнидан туриб «хонани бўшат!», дегандек унга кескин қаради.

Махлук истамайгина ташқарига йўл олди. Дўхтир енгил нафас олишга ҳам улгурмади, махлук эшикни қия очиб бош суяди.

— Дўхтир, тамасиз ҳеч қаерга бормасдинг. Нимадир беринг, кўнглим таскин топсин. Шприцми, спиритми, дегандек... бўлаверарди.

Қиш кунинда устингиздан совуқ сув қуйилса, қандай ҳолатга тушасиз. Дўхтирнинг аҳволи ҳозир шундай эди. У базур ўзини ўнгитиб олди-да, эшикни ёпишга уринар экан, деди:

— Сизга энди ҳеч нарсани керак эмас. Сиз алпакачон жардасиз, «Кўзларинг эса гўрдалинингни англаймоқда», — деди ичида. Махлук рухий шифокор хонасида анчагача кезиниб, уни талқиниб олиб турди.

1980 йил.

## КОМИССИЯ

Саид Аҳмадга ўхшашма

Қандолат буви оиласида фавқуллодда йиғилиш бўлиб қолди. Аввал саримсоқ пиез солинган гўмбаз палов ейилди. Кейин палов билан йиғлаб қўришадиган кўк чой давра бўйлаб айланган бошлади.

Оила бошлиғи Қандолат буви уй тўрида савлат тўкиб ўтирибди. Бир ёнида катта ўғли, бир ёнида катта қизи. Ёшига қараб бошқа ўғил-қизлари жой олган. Баъзилари бир-бирлари билан тортишар, бошқалари газета ўқирди. Яна бири тишини қанглаб култ-култ чой хўшларди. Қандолат буви секингина нечириб қўйди. Уйга жимлик чўқди. Хатто ўрнимчак тузюсига тушган чивинининг ноласи ҳам бемағлол эшитиларди.

— Болаларим! — деди она кўз соққаларини тез-тез айлантириб ўғил-қизларига қараркан, — Қизимиз Ҳуморга совчи келди. Уи қий-чувга тўлиб, девордаги портретлар ҳам чўчигандек тебраниб қўйди.

— Ҳуш, болаларим, — давом этди кампир. — Энди нима қилганимиз?

Даврада ўтирган ўғил-қизлар бир-бирига хайрон боқишди.

Ҳаммининг кўзига «Шу ҳам савол бўлдию?», деган маъно акс этарди. Хатто чойни пиводек майдалаб ичаётган ўртанча ўғил: — Ойи, нима қилардик, гўмбиза-қасир қилиб тўйни бошлаймиз-да, — деди.

Қандолат буви қалласини тебратиб «йўк» ишорасини қилди.

— Хой ука, — деб қолди очилиб қолган оёқларига сочик ташлаб олган қизи. — Оёзинга келганини қайтармас экансан-да. Аввал тўй харажатлари дегандек...



Шу вақт Кандолат бувининг бўйига уч ёшли невараси осилиб:

— Буви, буви, совчи ким? — деб сўраб қолди.

Кандолат бувидан ташкари ҳамма шараклаб қулиб юборди. Аммо кампир кўзларидан отилган кетма-кет жаҳл ва ғазаб найзалари қулганларининг оғзини ёпти.

— Қулишга ҳақингиз йўқ, болаларим, — деди буви. — Раъно сапсем тўғри айтди. Ким у, қув, ота-онаси ким, қандай одамлар? Хўш, гапиринг-чи? Ҳм, ҳамманг оғзинга толқон солиб олдиларинг. Энди гап шу. Қуда томонни суриштирасизлар. Ҳалиги, бир гапинглар бор эдию. Хаҳ, зовут-фабрикаларга бораркан-у, текширгани. Хаҳ отинг ўчгур.

— Ха, комиссия, дент, ойи, — деди бир ўгли.

— Ха, ха-ха, каманса қиласизлар. Ўладидан тортиб бобосига. Лекин хуфия бўлсин. Сизларга бир ҳафта муҳлат.

...Орадан бир ҳафта ўтиб, оила аъзолари яна жамулжам бўлишди. Кандолат буви синчковлик билан фарандларига бир-бир қараб чиқди. Улар алпанарсаларни коғозга тушириб келишибди. Ёзмаганлари гапни ҳаёлида териб, шилта термулиб ўтиришибди.

— Кани болаларим, — деди кампир мамун ҳолда. — Қандай гаплар толдинглар?

Ула-энлиқни юзига меъёридан ортиқча чаппаган, қулғида гайка сингари тилга болдоқли катта қизи, яъни бўлғуси келиннинг опаси ўрнидан бир кўзғалиб қўйиб жаврай кетди:

— Мен бўлғуси куёвтурамизнинг опаси ва синглисини комиссиядан ўтказдим. Опаси заводда ишлармиш. Обрули хисобчи эмиш. Вилот кенгаши депутат. «О» харфи ўрнига «а»ни ишлатади, телефонда гаплашиб билдим, — деди-да тилга тишларини яркиратиб иржайиб қўйди. — Куёвимизнинг олийгоҳда дўхтирликка ўқийётган яна бир синглиси бор экан. Бироз енгилга ўхшайдимие, қўл қулади. «Майли» сўзини қўл ишлатади. Кийимлари хали чиқмаган модада. Яна...

— Бўлди, бўлди, етарли, — дея тўхтатиб қолди Кандолат буви. — Тузик-қуруқ гапириб турувдинг, аинидинг. Кани энди ўғлимиздан ашитайлик.

Катта ўғли Аҳчабой хотиржам қиёфада кўзойнагини тақди. Ёнидаги машинкада ёзилган қорозларни қўлга олди. Сарғич юзида кўнғиз ўрмалаб кетаётгандек кўрнадиган ҳолини сиплаб қўйди.

— Биринчи характеристика келажакдаги куёвимизнинг ака-он ҳақида, — деди кўзойнак устидан даврадагиларга синчков тинчларкан, — Заводда цех бошлиғи лавозимида ишлайди. Қотмадан қолган, гавдаги. Кўзлари узоққа бокучи. Хар доим он қўнғак қияди, галстук такади. Қирғий бурнининг устида қанчал нуктачалари бор. Транспортдан кам фойдаланади, қўл пинда юради, қўл ҳаракатлари...

— О, болам, бунақа нарсаларни мақолангда ёзе. Сен гапнинг индигалтосини айт. — деди она ва даврадагиларга қараб бир жингайиб қўйди. — Журналист-да, майда гап.

— Хўп, хўп ойи, — деди Аҳчабой қизаринқираб. — Умуман қар бир ҳаракатидан меҳнатқашлиғи сезилиб турибди...

Навбат билан бошқалар ҳам сўзлаб чиқишди. Айтилмаган гап қолмади. Одамларидан ташкари хайвонларигача — қулони кесилган итию, бир кўзи кўр қўйи, хатто бўқоқ қап-тарангча гапириб ўтишди. Йиғилиш сўнггида Кандолат буви бўлғуси куёвининг онасини мактай кетди.

— Ўй у хотиннинг юмшоқлиғи, майинглиғини. Проста бол томади оғиздан. Худди ўзим...

Шу вақт қичик қиз, яъни бўлғуси келиннинг синглиси Шакархон кириб қолди. Шамол тезлигида югурибди чоғи, икки боти қизариб, тинмай хансирарди.

— Ха, қизим, ит қувдим, нима бўлди?

— Ойи, қув ёмон экан! — деди у лабини буриб.

— Хон Шакар, тушунтириб гапирсангчи, — деди онадан шивилроқ бегоқат бўлиб Аҳчабой.

— Мен, — деди оғиздан қўлқ саҳратиб Шакархон. — Унинг ўғлини уқаларини комиссия қилиб юрүвдим. Циржа кириб кетиб қолди.

— Нета сен қирмадинг? — деди Сурмахон.

— Қирмадим, — дея давом этди Шакархон. — Кейин куёвини кўриб қолдим. Бир қиз билан юрибди. Ўз кўзим билан кўрдим. Ётқилишиб кинога кириб кетишди...

Даврадагилар бир «ўхх» тортиб юборишди. Уйга сукунат тушди. Нима гап дегандек гўдак ҳам ётган бешлиғини тинчлатиб қўйди. Оила бошлиғи бошини тегирмон тоши остигандек секин, қийналиб кўтарди.

— Бу қувё, йўғе, бу йилит ўлғур қизимизга лойик эмас. Ўша ёндога олиб кирган стиллага қизига уйланаверсин. Тилпадек йонмак... Тўй бўлмайди, гап тамом!



Лекин тўй бўлди, кандай қилиб дейсизми? Қизи тушмагур Шакархон факат суратини кўрган бўлгуси поччасини танибдию, ёнидаги опасига эътибор бермаган экан. Бу ёқда булар бир-бирини комиссия қилиб туришганда, улар аллақачон топишиб кино-танца қилиб юришган экан.

(Ана энди тамом)

1981 йил.

## РАҚОБАТ

Бизнинг хотин билан рақобатимизнинг тарихи узун. Иккаламизнинг ўртамиздаги бу кураш мактабдаёқ бошланган.

Куларнинг бирида қоникарсиз жавобим учун математикадан жингалак «икки» олдим. Ажойиб жавоб учун Халимахон (ҳозирда каминига умр йўлдош) «беш» олди. Парталар ора-лаб ўтиб кетар эканлар, мента яқин келганда чимирлиб, кўз ташлаб кўйдилар. Томоғини ҳам бир қириб қўйгандек бўлди.

«Сеними шошмай тур», деб кўйдим ўзимча. Кейини дарс биологияга каттик тайёрландим. Мавзунинг у ёйдан кириб, бу ёйдан чиқиб кетдим. Ўқувчилар туғул, ўқитувчимизни ҳам анграйтириб қўйдим. Ўтирар эканман: «Ўқиш керак, ўқиганда ҳам биологияни ўқиш керак», деб кўйдим.

Шундан кейин синфимизда иккита давра пайдо бўлди. Мен ўғил болаларни тўглаб оламан-да, биология фанидан гап очаман. Кўйинги, биологияни осмону фалакка чиқариб қўяман.

Халимахон эса қизларни йиғиб олади-да, биологияни пастга тушириб, ўрнига математикани чиқариб қўяди.

— Биология бу — ҳаёт, бу — бутун мавжудотнинг ҳаракати, — дердим жўшиб кетиб.

— Ўша биологиянинг қалпти ҳам математикадир, — дерди Халимахон бўш келмай.

У математика бўйича вилоят мактаблари биринчилиги-да ғолиб бўлди. «Ёниб» кетдим-у, билдирмадим. Яхшиямки, бу ҳолатимни нейтраллашга имкон туғилди. Биология ўқитувчимиз республика мактаблари ўртасида ўтказиладиган мусобақага юборди. Иккинчи ўринни эгаллаб қайтдим. Синфдошлар олқишлашди. Халимахон ҳам димоғида «Табриқлай-миз» деб кўйди.



Шу ёқсунда мактабни ҳам битириб қўйибмиз. Иккимиз ҳам университетга тайёрлана бошладик.

Менинг бутун ўй-хаёлим биология фани бўлиб қолди. Халимахоннинг ўртоқларига айтишига қараганда, сув ўрнига ҳам математика теоремаларини симираётганмиш.

Насронт, имтиҳонлардан ўтиб, у математика, мен биология фанулотига ўқишга қабул қилиндик.

Бизнинг рақобатимиз университетда авжига чиқди. Талаба-лар даяримиз ҳам охиради. Энди икки томонга кетамиз деган-да... Бу қисмат қурмагур фанларимизни бирлаштирма-дию, ўқимизни эса ҳеч ажралмайдиган қилиб боғлаб қўйди.

Эр-хотин бўлганимиздан кейин рақобатимиз янада кучай-ди. Иккитутда у математикадан, мен биологиядан дарс бе-рардик.



— Жонгинам, нима қиласиз бош қотириб, сонларни-сонларга уриштириб, керакмас бу фанингиз, — дедим фашига тегиш учун.

— Йўқ, жоним, — дерди у. — Хатто магазиндан бир сўмлик харажат қилиш учун ҳам математика керак.

Ёзув столимиз битта бўлгани учун доимо таллашиб қолардик. Кейинчалик келишишиб у ёғанда мен ётардим. Мен ёғанда хоним дам оларди.

Сўнги кунларда хоним столни кам бўшагандиган бўлиб қолди. Бунинг сабаби кейин маълум бўлди. Бир кун ишга жўнаймиз, деб турсам:

— Урток биолог, диссертацияга гул олишни унутман! — деб қолса бўладими.

— Канака диссертация? — сўрадим хайратим ошиб,

— Шу, қичкина нарса тайёрлагандик. Шунини химоя қилайми дегандим.

Камтарлигини қаранг. Лекин тўғриси айтсам, номзодликни маромига етказиб ёқлади. «Зўрсиз, зўрсиз» деб қўйдим-у, мен ҳам буёғини пиштириб қўйгандим. Ёзув столига мук тушиб қайта қўриб чиқдим-да, ёқлашга тайёрландим.

— Аёлрсиз, — деди хотиним. — Аммо барибир, кечикдингиз—ку, — Ҳа энди, яхши от кейин чопаркан. Чопганда ҳам...

Аммо шу вақтда башорат қилган эканман. Илгир ишми мавзусини бу қадар муҳимлигини билмаган эканман. Комиссия бу ишимга бир йўла докторлик даражасини берди.

— Қалай, хоним, кейин чопсак ҳам тез чопарканмизми? — дейман. Бироқ бу шодлигим узоққа чўзилмади. Хоним иккаласини тенг тайёрлаганими, икки йил ўтмасданок докторликни ҳам ёқлаб юборди.

У математика, мен биология факультетига декан бўлиб қолдик.

Рақобатимиз уйда ҳам жуда қизирди. У уй ичино, ташқарини чиннидай тозапаб қўяр, оғизда эриб кетадиган нонлар ётарди. Сир бой бермай дейман-у, аммо лабларим чапиллашдан овқатлар ёқанлиги биллиниб қоларди.

Мен ҳам иш қидириб ховли айланиб қолардим. Катта тўнқаларни топиб олиб, майда-чуйда қилиб ёриб ташлардим. Ҳеч иш топилмаганда, керак бўлмаса ҳам пой қилиб гувала қуярдим.

Лекин ишда...

Хоним институтга проректор бўлиб қолди. Энди бу институтда ишлаш мен учун азоб эди. Унинг руҳсатисиз ҳеч қайёқа жонда олмайдим. Илгирлиларда ҳамма қатори унинг ваъзларига қўлук тутишим, маъқуллаб турмоғим лозим эди.

Бу алоқалардан мени яна тақдир кутқарди. Вазир ўринбоарини кутарилдим. Энди бошқалар туғул хоним ҳам камининг кабинетига бош уриб келарди.

«Хоним, чопинг, чопинг эржонингиз ортидан», дейман ўзимча. Назаримда мажкамиз кейинги кунларда бироз бўшагандай, менга эржалангандай бўлиб қолдилар. Ҳа эржаланмайсан-а, дейман мангуру туриб. Гап бошқа ёқда экан. Бир йил ўтмай ойлаимизда Ҳасан-Ҳусан туғилди. Тўғрухонадан олиб келдим. Хурсандман. Хоним менга маъноли боқарди. Унинг бу қарашига «Бизнинг шундай кутаримиз ҳам бор», дегандай бўлади. Қўрқаман-ки...

Аммоимни айтлади чоғи:

— Дедим, бошларингизни эржалатмайсиз ҳам. Ахир булар инқилибаники-ку — деб қолдилар.

Битил торттиб, гўдақларга талпиндим...

Аммо бошқа томондан рақобат давом этарди.

1982 йил.

## «ҚИЗИ ПАХТА»

Номзодлик ишим устида бош қотириб, овқат ўрнига илм ёр, суя ўрнига билим ичиб юрган вақтларим эди. Вақос исм-дан қайлаш ошман бўларди. Ўша бир кун:

— Сени зўр олимлар ёнига олиб бораман, — деб қолди ир-жаниб.

Мен готт сезиндим, лекин ошманинг иржайганига тушунмадим. Олимлар олдида борганимизда эса...

«Чунг ироқ» туманининг «Гийх ўсмас» жамоа хўжалигига бордик. Хўжаликнинг четроғидати бир ховлига кирдик.

Ховлининг ичкараси катта-катта қарталарга бўлинган эр экан. Бу эр бир гуруҳ олимлар шуғулланаётган тажриба тоғораси эмиш. Бир картада гўзага ўхшаган ўсимликлар ўсиб ётибди. Яна бирида маккажўхорилар яккам-дужкам экилган. Учинчи картада эса қандайдир эгри-бугри дарахлар турган томонга тараққайлаб ўсган.

Бизни қорачадан келган, дўпти кийган бригадир куттиб олди. У бизни оғли четдаги хашаматли уйга бошлаб кирди. Қўзимиз



уй тўрисида пичирлаб гаплашиб ўтирган уч кишига тушди. Ол-  
дидаги хонтахта эса ноз-неъматлар билан безатилган.

Улар биэга бош ирғаб куйишди-да ўзаро пичирлаш-  
ларида давом этишди. Асосан ўртадаги — анча кекса-  
си, олтин гардишли кўзойнак таккан киши сўзлар, икки  
ёнида ўтирганлар у томонга эгилган ҳолда унинг гапини  
тасдиқлаб турардилар.

Бригадир пичирлаб таништира бошлади:

— Профессор Шона Баракаевич Баракаев, — деди  
ўртадаги юзи пахтадек оқ, чап бетиде гоммоз касалли-  
гини эслатадиган доғи бор кишини кўрсатиб. — Энг кекса  
бўлгани учун профессор деймиз. У пахта нави устида иш-  
лапти. Қизил толали оламшумул пахта яратмоқчи. Эши-  
тпасизми, пахтапаримизга бўёқ беришнинг хожати йўқ  
бўлади. Нақ, қизил.

— Қандай қилиб? — сўрадим таажжубимни яширолмай.

— Энди, биз илмимиз йўқ одамлармиз, — деди бригадир пи-  
чирлаб ва товушсиз илжайди. — Ўзлари гапириб беришар.

Иккинчи шахс Сўта Широновиц Широнов экан. У дароз  
бўйли, оғзидеги сарғайиб кетган тишлари думбўл донлари  
сингари тартибсиз тизилган эди. Бошидаги бир тутам сочи ва  
мўйлови думбўл потугидек қизил тузда. Бригадирнинг оғиз  
кулиририб макташга қараганда, маккажўхорининг «пюбой»  
навини яратармиш.

— Бу акахонимиз эса Олёр Мевалиевиц Мевалиевиц, — дед  
пичирлаб таништиришда давом этди бригадир.

Унинг қаерига ҳам солманг, турли мевапарни эсингизга  
туширади. Икки бети оқ ва қизил пишадиган олма сингари,  
бурни юқоридан пахта томон йўғонлашган, худди наводор нок  
дейсиз. Қуйингки, унинг юз тўзилиши ҳар хил мева тўлатилган  
саватни эслатади.

— Фамилясидан сезгандирсиз, — деди бригадир. — Мева-  
чилиқ билан шуғулланади. Ўзининг айтишига қараганда, ол-  
мани ўриққа, ўрикни беҳига чапиштириб юбораверармиш.

— Нима? Ўшанда ҳам тутаверар эканми? — сўрадам кулгим  
кистаб.

— Ҳозирча йўқ — деди бригадир шивирлаб. — Лекин келпа-  
жада эпекк берармиш.

— Булар бирор илмий иш қилишганими? — дед сўрадим бри-  
гадирдан.

— Йўқ, улар бунақа мартабага эришмаганлар. Шу ерда  
инженер керак, — деди бригадир ва бўш чойнакни олиб эшик-  
ча йўналди.

Пахта нави устида илмий иш қилаётган аспирант эмас-  
мики, аввал Шона Баракаевични гапта тутдим:

— Кеңирасиз, оламшумул пахта навингиз хақида гапириб  
берармиз.

— Бақонидил, — деди у жуда секин товуш чиқариб. — Мен  
пахта яратмоқчиман, яъни қизил рангда бўлади. Бунинг  
учун навлининг уруғини чигит билан чапиштирдим. Шу кун-  
ларда пахта очилиши керак.

— Пахтагиз қизил бўлишига ишонасизми?

— Бунимсам-чи, ноумид шайтон, дейдилар.

Менинг энсам қотиб иккинчи «олим» Сўта Широновицга  
йўналди.

— Агар маккажўхорининг уруғини қайнатиб экса яхшими  
ден қайнатмай? — дед сўрадим.

Мен шундай савол бердим-у, қаттиқ ҳақорат эшитсам ке-  
лди, деб кутгандим, йўқ у пинагини ҳам буммади:

— Мен шу пахтача уруғларни қайнатмай эқдим, — деди  
эмудан оҳангда. — Энди қайнатиб экишни ҳам бир синаб  
кўрмоқчиман.

Нимадан отилиб келган кулгини бир донга ўрик билан зўрга  
калтардим. Куларимдан сездим шекилли, у лабини бўриб те-  
вериб қараб олди.

Мен Олёр Мевалиевицга ўтирилдим.

— Алтинчи, ҳурматли Олёр Мевалиевиц, Агар ерғеғок би-  
лан ёндоғни чапиштирсак қанақа мева бўлётга келаркин? —  
дедим уримдан турдим.

— Эа, ўтиринг, ўтиринг, — дед пичирлаб қолди Олёр Мева-  
лиевиц, — Сиз ҳам ўзимизга ўхшаган иждоқор чиқиб қолдингиз-  
ми?

Биз эшикка йўналдик. Чой олиб қираётган бригадир:

— Не, не, ўтиринглар, — деди.

— Утук бригадир, экинларингизни анча шира босибди.  
Агар чера кўрмасангиз хонавайрон бўласиз, — дедим.

Шу пайт сочлари ўingan, бир олифтонома йилит югуриб  
кетган эди.



— Нима, кандай? — дея Шона Баракаевич доддириб ўрнидан турди. — Ранги қизилми?

— Йўқ! — деди йигит.

— Нима, оқми?

— Оқ ҳам эмас, кандайдир мўъжиза...

Шона Баракаевичнинг чеҳраси очилиб кетди, йигитга яқинлашди. Ўнинг иккала бетидан чўлғиллатиб ўлди.

— Қандай мўъжиза, кўзичоғим, гапир, гапирга қол.

— Кўриниши пахтага ўхшайди, ушласанга чангага ўхшаб тўзғиб, ҳавога тарқаб кетади, кандайдир губор...

Бу можаронинг давомини билмадик. Кейинча эшитишимизга қараганда, бригадир ўша кунёқ уларни яхшилаб «қузатган-миш», яъни Шона Баракаевич яратган «пахтадек» пуфлаб, тўзғитиб юборганмиш.

1982 йил

## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Шаҳар марказидати ошхоналардан бирига қоқ тушдан олдин бири қол-қора, яна бири сап-сарик йигитлар кириб келишди.

Уларнинг иккисиди ҳам катта папкалар, қорғоз-қалам бор эди. Ичкарига кириб қонанинг икки бурчагидан бошлаб айланган бошлашди. Дам столларга кўз югуртира, овқатларга қарар, довордаги суратларга нигоҳ ташлардилар.

Овқат олиб чиқаётган официант аёл уларни кўриб тўхтаб қолди ва ортига тисарилди. Орқаси билан бориб қозон қавлаётган оддий ошпазга урилди.

— Кўрмисиз, нима бўлди? — деган саволга жавоб бермай, кўллари титраганча йигитларни кўрсатди. Ойстахон кўрсатган томонга қарадию, ошпаз ҳам кўлида чўмич билан қотиб қолди.

Бу вақтда ҳалиги йигитлар ошхонанинг бурчагидида ўтиришиб, атрофни кузатардилар. Ошпазларга, официантларга каттик тикилишар, «Ичингда нима бор?», дегандек термилардилар. Сўнгра олдиларига кандайдир тахталарни тўсишиб; алпанарсаларни ёза бошладилар. Ошхона ходимлари типирчилаб қолдилар, қайқандир бош ошпазни толдилар.

— Қаранг-а, шунақаям бўлади-ми? — дерди титраб олдин ошпаз. — Бир эмас иккита-я, вой уруннингга ўт тушурларей.

— О тоғида, ҳа йўқ, бе йўқ ёзаберилса, вой! — дерди йигитларнинг Ойстахон. — Вой, вой, ейилмай қолган овқатларга қарашли-ми?

— Столга тикиляпти анависи.

— Уч кундан бери артилмаганди, — пилирлаб қолди яна бир официантга Саняхон. — Энди нима бўлади.

Бош ошпаз «Бунақалар менга писанд эмас», дегандек деразадан уларга бепарво қараб турарди.

— Қани, Ойиста, кўрсат хунаринини!

Ойистахон сўмқачасидан ойна ва яна бир қанча асбоб-аппаратларни олиб роса ўн беш дақиқа пардоз қилди. Сўнг мажус товоққа махсус таомлардан териб солди-да, йигитлар томон тоз қарашмалар билан қадам ташлади.

Шунда йигитларнинг сап-сариги кўлини кўксига қўйиб официантдан орқасга қайтишини сўради. Ойистахон кўзларида бир дунб ёш билан ортига қайтди.

«Э, э, қалланг нега ишламай қолди? — деди ўз-ўзига бош ошпаз Хотамтой, семиз қорни асабий силкинarkan. — Аввал аштанан бошлаш керак эди».

Бу сарфар «қочқич»нинг турли хил-у, рангдасидан олиб Саняхонга тушди. Уни йигитларнинг қол-қораси қайтарди.

— О, тавом бўлди, тугадик, — дея қайтиб кирди у. — Бунақаларга ўрнатилди, ҳаммаси тугади.

Бўлди, тилингни тий! — захрини сочди шеф. — Улар ҳам одам. Ҳамма комиссия шунақа бўлади. Аввал дағдаға қилишди. Кейин, секин... Ҳм...

— О Хотамтой ака, дағдаға қилса майли эди. Булар бир сўз дедилди битирчиляпти-ку. Ахир иккиси тикилиб ёзмаган нарсалари қолганини шенитти. Ундан кўра бўкириб, чинқириб сўйишмайди-ми? Ўнча кўра этиб қулочкашлаб солишмайди-ми? Чидаманган номарди! Ўнча кўра этиб қулочкашлаб солишмайди-ми? Чидаманган номарди!

— Бўлди, ашма пағмондек чўзилма, — деди шеф ва оддий шовқига қаради. — Анави пағмон хамири қачонги?

— Мен кун аввалги, — деди қалтираб кичик ошпаз.

— Тез йўқ қил. Сен Ойиста, хў, ейилмай қолган овқатларни яндоқ ибор.

Тоғларга пағмон хамирини солиб, ташқарига чиқиб кетган ошпаз ошпаз зум ўтмай қайтиб кирди.

— Қантарди, қантарди, шеф. Воо, қандоқ сезгир-а булар? Унингда бироз қимирламай туришимни ҳам сўрашди. Шеф,



бу нима дегани? Ичимни ит таталаб юборгандек бўлди. Раов бўлди, шеф.

Овкатларни йиғгани чиққан Ойистахон ҳам шумшайиб қайтиб кириб, эшикка суяниб турарди.

«Ухх, ўзим чикмасам бўлмайди». Шеф у ёқ-бу ёғини тўғрилаб, йиғитлар томон юрди. Хонанинг ўртасига етган да йиғитларнинг сариги тўхтатди. Иржайиб, кимирламай турлини сўради. Хотамтой ўртада юморонқозикдек қажайиб қолди. Қўлларини чўнтагига солар, яна чикараб, курсини асабий чертарди. Хотамтой шу туришда бир тўйиб йиғитларга келди. «Во дариге, бунакаси ҳеч бўлмаган, расмиimgа чизиб олаётган бўлсайдир». У шалвираб ходимлари ёнига қайтди. Бебарволиги овкат бўғидек хавага кўтарилди.

Йиғитларнинг қораси Ойистахонга қаттиқ тикилганди, у ҳам тилпа тишларини кўрсатиб, севиб қолгандек термилди. Йиғит эса бир олайиб яна ёзишда давом этди.

— Булар тикилиб туришиб исм-шарифларимизни ҳам билиб олишайётган бўлмасин? — деди Сана.

— Кўзбойловчилар бўлса-я, тагин бу комиссиялар. — Пичирлади Ойистахон.

— Нима бўлсаям, расво бўлдиқ, — деди яна бири.

Бунакасига ҳеч учрамаган савлатдор Хотамтой ҳам анча қаловланиб қолди. Бу оғир ҳолат бирор соат давом эди. Ен-вакт мобайнида анча-мунча озгандек эдилар.

Йиғитлар қоғоз-қаламларини йиғиштириб, ўринларидан туришди. Ҳоли кўриб бўлган Хотамтой зўрга қадам ташлаб улар ёнига борди.

— Ҳеч бўлмаса, ҳеч бўлмаса бир пиёлагина чой ичсанглар, анча толиқдинглар. Илтимос-а? — дея ёлворди ўзини хоксор кўрсатиб.

— Раҳмат, ишимиз битди, — деди қол-қораси.

— Ҳа, ажойиб асар яратдиқ, чоғи, — деди сариги.

— Қандай асар? — дея сўради Хотамтой тушунмай, секин, мутойимлик билан.

— Расм чиздик, — деди қораси. — Рассоммиз.

— Ҳа, сизлар катта ёрдам бердинглар, — деди сариги.

— Анча безовта қилдик, — деди қорароғи. Туғаб бораётган Хотамтой уларга ташланмоқчи бўлди. Лекин қувавати тугалганди.

— Нима ҳақингиз бор? — дея ўшқирди ва иккала «комиссия»нинг оёқлари остига қўлади.

## ТАНГ ҲОЛАТДАМАН

Танг ҳолатдаман...

Сизни ошхонада овкатга уннамोकда. Дадам эса кичкинагина томоркада помидорлар остига юмшатапти. Шунча-пар марибонки, мени дарсадан қўймастик учун хансираб бўлса ҳам ўзи бир амаллаб чопмоқда. Мен эса танг ҳолатдаман...

Уларга яқинроқдаги сўрига бориб ўтираман.

«Уфр!» — дейман икковига ҳам эшиттириб. — Шу, ўқишлар беришган сари қизиқишинг ортиб бораркан кишини.

Бундан оеракланган дадам белгубракни қўйиб, ўша ерга — тўғрига аста ўтиради. Ойим қўлида қаттир билан ошхонадан йўқолибди. Мен давом этаман.

Мана, 3-курсга чиқганимда биллапман, ўқишнинг қадрини. Энди бошқадан бошлагим келаяпти.

— Қурманми? — дейди ойим дадамга мени имо билан сўраб. — Дингаса дейсиз, анча ақли кириб қолган.

— Мана, дада, сиз айтардингиз. Ўқиган олим, ўқимаган ўқиган қолми, деб.

— Тўғри, ўғлим, — дейди дадам.

Ойимнинг оғзида доим мана шу гап айланади, ҳар нарсани ерл марта, қайта-қайта ўқиш керак! Тўғрими, ойи?

— Амбатта-да, болам.

— Шундай экан, 3-курсда яна ўқий қолай.

— Ўқитларингда мантиқ бор, ўғлим. Қанча ўқиса оз. Лекин шунингга бунга рози бўлишмайди-да.

— Ҳо, дада, атар мен ўқийман, десам, записиста рози бўлишмайди.

— Афғусин, унашмайди.

— Пенн менинг ўқитим бор.

Ушш пхши-я, — деди ойим ошхонада туриб. — Аммо тўғрироқ ўқитини битириб ёнимизга кирмасанг бўлмайди.

Ахир ёшлитимда, ўқиб қолай, дейман-да. Битта фанни бир ёш ўқисанг, тўймас экансан. Дада, сиз айтардингиз. Бу шун дегани бир ширинлик, евверсанг, мазази чиқаверади, деб.

— Тўғри, ўқитишга нима етсин? — дейди дадам.

— Демак, рози бўлаверинглар-да. Фанларни миямга ўқитишга рози-да.



— Лекин ўғлим, бу конунда йўқ-да.

— Ўкий қолай, дадажон, бир-икки домлапардан ҳам эшитиб қолдим. Битта фанини бир йил ўқиса, хар қандай қўлиси зўр одам ҳам олиб қололмас эмиш.

— Ўғлим, энди, билмаганларингни секин билиб олсан.

— Барибир ўқийман.

— Нима гап ўзи, ўғлим. Тезроқ ўқишни тутатиб ишлаш ўрнига...

— Дада, бир-икки домлапар ҳам илтимос қилишди.

— Илтимос қилишди? Бир курсда икки йил ўқитишга қимнинг ҳаққи бор экан?

— Дадам ўрнидан турди. Сезиб турибман, ошхонада ойин ҳам қозон қавлашдан тўхтади.

— Билмадим, — дедим ўзимни бепарволикка солиб. — Яна ўқийсан, дейишяптию.

— Ўзи нима гап? — бу оймининг таҳдидли овози эди.

— Тўғриси, ўқимасам бўлмайди, мажбурман.

— Очик айт! — бу даданиннг ваҳимали сўрови эди.

...Ухх, очик айтишга тўғри келади. Тақдирга тан бермасам бўлмайди.

— Курсда қолдим, — дедим секин.

Ойим қапир билан бир томондан, дадам белкурракин кўтариб иккинчи томондан менга ташланишди...

Ҳа, танг ҳолатдаман...

1982 йил

## АУМ

### Саид Аҳмадга ўхшашма

Бошлиқ тушлиқдан ширин кекириб қайтаётганда икки ходими ўрнатаётган ёзувли тахтага кўзи тушди. «Хе, Давлат тили конунни чиққанига олти йил бўлди. Мана, биз ҳам ишни бошлаб юбордик — дея ўйлади ичида ғурур билан. — Юрган эканмииз-да, «Доска почёта», деб. Ўзбекчасиям бор экану».

У утиб кета туриб тахтадаги ёзувга яна бир қараб кўйди. «Хурмат тахтаси», «Хўш, «Х»ларнинг думи бўлмасикин? — деб хаёлидан ўтказди у тўхтаб. Яқинда «Ойнаи жаҳонда» бир атамашуноснинг «Ёзувларни ўзбеклаштираётганлар имло хатоларга йўл қўймоқдалар», деган ўлигини эслади. Эсла

дан, қўлимларига деди:

— Қани, туширинглари! Қанимлар ўрнатаиб бўлинган тахтани настка туширишди ва ёзишдан набатдаги бўйруқни қўтишди.

— Лекин ёзилган, лекин «Х»ларнинг думи қўйилмабди-ку. Қанимлардан бири дарҳол мўйқаламни бўёкча ботирди-да кўзига дум қўймоқчи бўлди.

— Тўғри, аслида «хурмат билан «тахта»да «Х»ларнинг думи бўлмаган?

Қаним олпасини қисиб шеригига қаради, шериги қўлла-роғи берди.

— Ҳа, билиб осиш керак! — деди бошлиқ. Лекин ўзи ҳам бунга билмаслигиндан пушаймон қилди. Шунинг учун ҳам ҳеч қораси думга хонасига шовилди.

Қаним соатлардан сўнг ходимлардан бири қимтинибгина кўзига берди.

— Ҳа, нима билмас экан, — деди у.

— Шунанамми? Унда ҳаммани тўлланг.

Ташқиотининг қичкинагёна жамоаси хонага ййилди. Бошлиқ гап бошлади.

— Урдоқлар, секин-аста давлат тилини қарор топтира-ман. Бунга «Доска почёта» тахтасини ўзбекчага ағдариш ёзилган бўлшадик. Лекин бундай эзгу ишлар тўлақонли бўлиши керак. Биласизлар, халқимизда, маслаҳатли тўй тарзамас, деган ажойиб мақол бор. Хўлпас, ўзбекча ёзув-ларни тўғри ёзишга ўрганайлик. Хўш, Қаландаров, били-шлар, сиз кўп китоб ўқийсиз. Ўша тахтадаги «Х»ларнинг думлари бор-йўқлиги ҳақида фикрингиз қандай?

— Билмадим. Мен фақат детектив ўқийман...

— Ўқимас, — деди бошлиқ астойдил хафа бўлиб. — Қанимлар Жамагаров нима дер экан?

— Аниқ билмадим, лекин менинча, — деди хисобчи кўз ойнагини тизиб эди, — тахта қаттиқ нарсаси, демак, дум қўймаса бўлаверади. Бундан жаз қомшоқ сўз, ундаги «Х»га дум қўйиш керак.

— Фикрингиз яхши, лекин аниқ биласизми?

— Йўқ, — деди Жамагаров.

— Мана бу тақлиф бор, — деди ходимлардан бири Са-фаров. — Мана бу рўзномаларни бир типиб чиқсак-чи?!

— Ҳа, бормисиз? — деб юборишди ходимлар бараварига кўзга ташланган холга бўлгандай.



— Ха, яхши. Ўзингиз бир қараб чиқинг, — деди бошлик ва ичун «Нодон, мен алпақачон қараб бўлганман», деб қўйди. Сафаров рўзномаларни бирма-бир варақлаб, хижожаб ўқишга тушиб, Ходимларнинг нигоҳи ҳозир бир мўъжжа рўй берадигандай унга қадалганди. Рўзномаларни кўриб бўлган Сафаровнинг тиричилиш пешонаси бошқа ходимларнинг ҳам ҳафсаласини тир қилди.

— Хе, журналистларга ҳам тан бермадим. Шунча рўзномадан шу икки сўз бир марта ҳам ишлатилмапти-я.

— Редакцияга кўнироқ қилсак-чи?! — деди ходимлардан бирини. — Ақлингиз борми, ташкилотимизнинг шавъни нима бўлади?

— Адабиёт ўқитувчисидан сўраб кўрсак-чи?

— Ха, ўқитувчидан сўранг. Кейин у оламага ногора қилсин.

...Уч соат чўзилган «қисқагина» йиғилиш тугаб, ходимлар шалвираб тарқалишди. Улар ташқарига чиқишганда «Хурмат тахтаси» ёнида икки қизча ерга расм чизиб ўйнашарди. Бошлик тахтага қаради. Хурмат сўзидаги «Х»га қимдир дум чизиб қўйибди.

— Буни қим қилди?

Ходимлар ҳам хайрон бўлиб ёзувга қарашди.

— Билмадик. Хей, қизлар буни сизлар чиздингларми?

— Ха, биз — деди бир қизча кўрка-писа.

— Сен буни қаердан биласан? — сўради бошлик.

— Мактабда ўрганганмиз.

— Тахтага қўймабсан-ку.

— Унда бўлмайдиди-да.

Бошлик ходимларга, ходимлар бир-бирига истеҳсолни қарашди.

## ДЎШНИ

1995 йил

(яқин ўтган кунларда)

Бир ойлик командировкадан қайтган куним қишлоқдан олам келибдилар. Мента атаб чуст дўлпи ҳам тиктирган эканлар, ўн қўллари билан бошимга кийдирдилар-да:

— Ярашди, яхши кунларга кий, болам, — дедилар.

Эртасига янги дўлпини кийиб ишга жўнадим. Бу ёнинг сўрасанглар, мен яшайдиган «Дом»дагиларнинг биронтан дўлпи киймасди. Ўзим ҳам шаҳарга келганимдан бери энди

яқин кийганим эди. Шунинг учун бўлса керак, йўлда учра-тав ёрдам кўлини, таниш-билишлар мента бошқача қарашиб, бошқача оқонгиди сўрашшарди. Ё тавба, мен билан сўрашларнинг юзиди мунг-хасрат акс этаётганди. Хайрон ёрдам нисбатига етиб бордим. Хамма машмаша ўша ердан кетди.

— Э, Туррунбой, тинчликми, дўстим, — дея хамхонам тек оқонгиди келиб икки қўллаб кўришди, шу захоти унинг оқонгиди қайту нисбатига пайдо бўлди. — Кўринмайсиз де-ди.

— Нисбатим? — дедим ҳеч нарсатга тушунмай.

У илдамий бошини сарак-сарак қилди-да, шолганча кўришнинг қонасига кириб кетди. Бироздан кейин мени кўришнинг қонасига чақириб қолди. Хамма ходимлар тек ерда экан, улар мен билан икки қўллаб, пичирлашиб кўришди. Раам солсам, хамманинг юзига ҳам соя солган. Кўришнинг баглар охиб, улар билан индамай кўришдим. Ми-ндай кўриш ходим бандаликни бажо келтирибди экан, де-ди. Ё ёрдамларди. Мен ходимларга бир-бир назар ташлаб кўришди. Нисбат назаримда, хамма шу ерда эди... Ходимлар тек билан кўришиб бўлиб, ўтиришди. Бошлик негадир мента нисбатига пешонасини тириштириб пичирлади:

— Яхши, укам, ҳаёт шунақа экан, бугун бормиз, эртала...

Нисбат? — қаллим тўғри уйга кетди. Қим, қачон? Эрталаб кўришнинг соя эди-ку! Аям хам... Хонадан отилиб чикдим. Бадаббга кўришим-да, хансираганча уйга кўнироқ қилдим. Кўришнинг қонасига жарангдор овози келди, лекин менда-ди ерда қолн тарқамаяданди.

— Кўриш, тинчликми?

Нисбат гап уан, тинчликми? — деган овоз келди гўшақдан. Мен сендан сўрапман, тинчликми, хамма саломатми? — Ёш улмасам, тинчлик, нима бабо, эрталаб чап томонин-га билан турувдигини аям?

— Укам, кўриш-ей, — дея телефон дастагини қўйдиму, бошларим қонасига чолиб бориб, эшикни карсиллатиб оч-ди. Улар билан чўчиб тушишди.

— Нисбат гап уан? — дедим бақиргудай бўлиб.

Нисбатдан сўрамоқчи эдик, — деди бошлик яна охишта охишта билан.

Нисбат бунақа тамгисизлар, қим ўл... бирор нараса бўладими?



– Сиздан...

– Мен солпа-соман, кўриб турибсизлар. Уйлар ҳам тинч...

– Нега унда дўппи кийиб олдингиз?

– Дўппи?.. Ха-а, гап дўппида денг?! Аям қишлоқдан тинчириб келибдилар.

Бошлғимиз чуқур бир тин олиб "уф" тортиди-да, каффи билан столга "тап" этиб уриб, юзини четга ўгириб олди. Ха, у ачиғланган пайтда доим шунчака хит бўлиб кетарди. Ходимлар менга норози қиёфада қарашиб, бирин-кетин хона-хоналарини тарқалишди. Бошлғиқа гапириш учун оғиз жуфталадими...

– Чикинг, чикинг, душанбадан настрөөнани расво қилдингиз, – деди у юзини четга ўлтирганча ва кўшиб кўйдим. Тавба, дўппига бало борми!

Шалвираб хонадан чиқдим. Ҳамкасбларим кечгача менга ёвқараш қилиб юришди.

Бир дунё ғазабу ғам билан уйга келсам, хотинимнинг қовоғидан қор ёғипти, еттинчи синфда ўқийдиган қизим кўнгли ёш, бир бурчақда "тик-тик" йиғлаб ўтирибди.

– Яна нима гап? – дедим хунобим олиб.

– Дадаси, секинроқ, бу ёғи етарли ўзи, – деди хотинини йиғлагундай бўлиб.

– Нима бўлди, ахир?

– Аям Наргизанинг сочини майда ўриб мактабга жўнатган эдилар, болалар уни роса масҳара қилишибди.

– Хайрият, тинчлик экан-ку.

– Яна нима бўлиши керак эди?

– Билмадим, дўппи кийса бир нарса бўлади шекилли...

...Сал юзимга ёруғлик тушиб диванга ёнбошладим. Дўппини отиб юборишимга сал қолди, лекин аям ёдимга тушди. Уни авайлаб қозикча илдим. Аям тушмагур-ей, келгуси сафар менга чийдухоба тўн олиб келмоқчи эдилар. Уни ҳам кийиб кўчага чиқсам, одамлар мен билан йиғлашиб кўришарканлар-да!

1995 йил

## РАШК

Ҳамма можаро у кутубхонадан олган китоб ичидан номалум кизнинг сурати чиқиб қолишидан бошланди. Хотини суратни Ҳафизовнинг нақ кўзига ниқтаб дағдаға қилди:

– Бу юмат?

– Билмадим, – деди эри хайрон бўлиб, биринчи марта сурат турган ноз суратига боқиб. – Кутубхонанинг бирор аъён бундан қолдиргандир-да.

– Ўйе, аржон, чайналманг. Нима учун бу сурат «именно» бу юматга қолдирган чикди?

– Ўшу эр тинчинини йукотди. Энди у на туфлисини мойлай олоди, на сочини тарайди.

– Ха, урғушув борми, бўгун? Бунча ясанмасангиз?

– Ахир, – дедиди, мум тишлайди табиатан содда, анча яроқли Ҳафизов. Бу эса хотиннинг фиғонини янада етартирди.

Қуёرنинг биринчи Ҳафизов ҳамкасблари билан сайрага чиққан бўлиб қолди. Бироқ минбаъд хотинига бўни тушун-тири олмади.

– Ўйе, бу! Сиз ўша билан кетяпсиз.

– Ахир, тушуи. Ишхонадагилар билан борамиз. Шерикларимиз қайларини олишмаганди...

– Ушунга қимсиз-у, ҳамкасбларингиз ким бўларди? Улар-да ҳам борлар-да...

– Қайиб кўрини, сабрининг ҳам чегараси бўлади. Сабр қосаси қирғи қор қандай юмаш эр ҳам... У хотинини сўжиб юборди.

– Ҳа, шунча-да, топиб олгансиз-да. Энди керак эмасман-ди қандай кўра, котавер денг.

Қуёров не дейишини билмай яна жим қолди. У бош-бош қотинига «Шимни дазмонла», «Рўмолчам қани?», «Қуёровнинг юздингми?» дейишга ҳам ботинолмай қолди. Бу эса маъна. Бир кунни кечқурун тамадди қилиб ўтиришарди. Қуёровнинг олганга олган эр бирдан тикилиб қолса бўладими? Мен бўлмаса овқат пайтида уйламанг. Илгиндирсиз-да.

– Қирғи ақмоқ экансан, – дедиди, хотинининг юзига тарсаки қарайиб юборди.

– Ушунг, ушунинг, ўлдиринг, кутулмасиз, кейин олиб келиб, анданаврасиз ўша билан.

Ўшу юз унинг атрофига хотини томонидан қизил ип тор-тордан. Ушдан нарига ўтсин-чи. У энди бирор-аёл билан қарашмай, таниш кизнинг саюмига алик ололмас эди. Бир-бир аравча киради, албатта эркак сотувчига муурожаат қилар, эркак сотувчилар фақат аёллар бўлса, бошқа дўхон томон йўл



оларди. Болаларни боъчага хотинининг ўзи олиб бораётган бўлди. Чунки у ерда ҳамма ходимлар аёллар-да.

Ахир одам темир эмас. Бу ўз касрини кўрсатди. Авиалига унинг санчиб-санчиб турадиган юраги кунларнинг бирида каттиқ ушлади. Биринчи марта албатта. У уйда она ётди. Хотини ҳам биров бўшашгандек эди. Унинг она соғайиб қолган кунлари эди. Хотини унга меҳрибонлиги билан деди:

– Кўзларингиз киртайиб, анча озиб қолдингиз. Хамма билан ўша айбдор. Ҳа, тоғлиб олганимдами?!

У шундай дея тишларини фикрлатди. Бу ҳам Хафизовга кимматга тушди. Шу лаҳзадаёқ унинг килиллаб турган юреги иккинчи марта қаттиқ ларзага келди. У шифохонага ётқизилди. Хотини ундан ҳар кун и хабар олар, ҳар сафар ёни да бир хамшира кизни кўрарди. Унинг эрига меҳрибонликлари унда шубҳа уйғотди. Назарида киз эрига ўғалларга нисбатан бошқачароқ муомала қилаётгандек бўлар, унинг шубҳаси ор тиб борарди. Ўша кунларнинг бирида Хафизовнинг хотини хамшира қиз билан суҳбатлашиб қолди.

– Сиз бахтли аёл экансиз. Эрингиз нақадар катта камсуқум одам экан. Ичидда ҳеч кири йўқ, – деди унга ханда билан боқиб.

Аммо хотиннинг шубҳаси шу билан сўнги нуктага етиб келганди. «Ҳа, шу-шу, тоқдим. «Наконец».

— Сен экансан-да!

Хамшира бу дарагадан чўчиб унга қаради. Хотини оғриқ унинг билатидан шартта ушлади, эри ётган палата томон тортқилади.

-Ха, манжалаки, хайма ишни булгаб юрган, эримни йўлдан оздирган сен экансан-да!

Хамшира қиз ҳеч нарсадан беҳабар, уни тўхтатмоқчи бўллар, нима бўлаётганига тушуна олмасди.

— Ҳозир эрингиз нозик ҳолатда. Унга сиқилгиш асло мумкин эмас,— дея олди у.

Хотин эса унинг елворишига кулоқ солмай, уни зарб билан эри ётган палатага олиб кирди.

— Шуми-шуми? — дерди оғзидан кўпик сочиб, ашаддин душманни кўлга туширгандек ғолибона.

– Ким, нима? – деди эри бошини хиёл кўтариб ҳеч нарсага тушунмай.

Биз, элани булдан оздирган-да. Суратдагига унча ўхша-  
ётган, янада кўнглим сезапти...

...қўлининг юрати яна ушлади. Охири марта қаттиқ қўриқди. Унинг кузарида хотинига нисбатан беҳад нафрат кайфияра қизга нисбатан эса узурли нигоҳ қотиб қолган. Хотини йўқ солиб эрининг устига ўзини отди. Кейин қўлини қўриқди, дон ҳамшира қизга ташланди...

1985 йил.

“ТҮИХАТ”

Асарин автор, драматург ва журналист Жўшқин Тошқинович Тошқоновнинг бу ун олтмиш ёшга тўлди. У чорак аср тинч ва оқсоқилдан, кўлиб асарлар битди. Бир қанча шеърий асарлар, катор насрий китоблар ҳамда сахна асарлари шу йилдан бостиладан учирма бўлдилар. Аммо наشريёт-у-театрнинг ати олимпиа сарсон-у саргардон бўлдилар.

[illegible]

Мазмундак, унинг "Амакимининг дакани" қиссаси амакиси ҳақида, "Тоғанининг тойчоғи" дostonи тоғалари томони-



дан куюк тақдирланди. Айниқса, унинг "Аммианинг бузони комедияси театрга рад этилганда аммалари унинг жонига оро кирди. Кайғуга ботган шоирни ўша кунлик уйларида олиб кетдилар. Оёғи остига қора индук сўйиб, катта зиефат уюни тирдилар. Совға-саломлар билан сийлаб, янги асарлар сарф илҳомлантирдилар. Ўзини қўриб турибсизки, унинг бениннат ижоди қариндош-уруғлари томонидан қизғин кутиб олинар, муносиб тақдирланарди. Унинг эллик йиллик юбилейида акаси катта қора кўчкор сўйиб, бош-оёқ сарпо билан зиефат уюштириб берди. Эллик беш йиллик тўйида катта аммиани новвос сўйиб, катта тантана қилиб берди. Унда ажойиб поёнга оти билан тақдирланди. Амакисининг шу тўйдаги мана бу сўзларини келтириш ўринли, деб ҳисоблайман: "Китобинг билмаса пьесанг кўйилмаса ҳам ўқисинма жиян, ёзавер, ённи да биз бор. Хар қанча сийлов биздандир". Ана химмат, ана саховат.

ётган, мўлжаллаган лавозимини эгаллап олмаётган, иш жой-  
ида ҳаловатини йўқотган ва ҳоказо. Биз у ҳақда мақтовли  
мақолапар сериясини яратамиз. Газета-журналлар, радио-  
телевидениега олиб чиқамиз. Шу билан бирга параллел ра-  
вишда унга тўғанок бўлаётганлар устидан, масалан бошлини,



қайнабди кабилар ҳақида салбий мақолапар уюштирамиз,  
қайрибонин, муаммоси ҳал бўлиб турибди-да.

– Хизматингиз бутун ёлгонлардан иборат экан-да.

– Э, аҳ, Биз борини ёзмамиз. Масалан, макталаётган мах-  
сусларни ёзиш мутахассисларга бириктирилади. Фақат  
бўрттириброк ёзилди. Тарғиб қилинаётган кишининг яхши  
ишлари охириброк тасвирланади.

Танкидга келсак, энди унинг қусур-у, иллатларини қидира  
бешамиз. Кимда камчилиги йўқ? Беайб Парвардигор. Мол-  
тинг эва зарарли жиҳатлари аниқланиб, кўпиртириб ёзилди.  
– Биринбор ёлгон қўшилар экан-да?

– Негиз энди. Бўрттириш ёлгон дегани эмас-ку. Ёзувчи-  
инларда ҳам муболаға деган сўз бор-ку. Уларни ёлгончи  
деганимиз-ку. Биз ҳам фойдали деган сўзга жуда фойдали,  
инларни деган сўзга ниҳоятда зарарли, деб битамиз. Хўш,  
ахир бизнинг муаммоингизни ечсак...

Хуллас, “Тантар” хизмати мендан буюртмани олиб кетди.  
Кўнб турибман. Нима кўп – газета-журналлар кўп. Уларнинг



кўчилигида ошқовоқнинг фойдасию, минг дардга давоси ҳақида сериали мақолалар ёғилиб кетди. Мутахассисларнинг радио ва телевидение каналларида чиқишларини айтиш майсизми? Мўъжизани қарангки, бир ҳафтадан сўнг пашша кўриб ўтирган ошқовоқфурушларнинг «Ошиғи олчи бўлиб турибди-да». Бир пайт бозорда ошқовоқ йўқ. Бизга яна буюртмалар туша бошлади. Манзилимизни сўрашар, телефон рақамимизни ёзиб олишар. Хуллас, "Тантар" хизматидаги кўрқулик экан...

Ана шунақа гаплар. Бу хизмат тури кишилари-ку, анча захмат чекишар экан. Аммо меҳнат қилмай пул топаётган шоввозларнинг кўпайганини айтмайсизми? Бирор ерга янги кўприк қурилса, дарҳол кўпига қизил латта боғлаган йилитлар пайдо бўлади.

– Кўприкдан ўтиш пуллик!

Бирор бозорча ёки ошхона очилса, зудлик билан иккитан стоянка ташкил қилади.

– Машина кўйиш пуллик!

Тўсатдан гавжум кўчаларнинг икки томонига «пост» қўйилади.

– Ўтиш пуллик!..

\*\*\*

Бу гаёголар бозор иқтисодиётининг дастлабки пайллариди содир бўлди. Биз жараёнинг ичкарисига кирган сериалда муз акт боевар қилмайдиган шундоқ ҳоллар содир бўла бошладики... Улар энди бошқа туркумга мавзу бўлажак...

2010 йил

## МАРЖИНАЛАР

Жером К.ЖЕРОМ,  
Англия ёзувчиси

### ТОМАС ГЕНРИНИНГ ТАНАЗЗУЛИ

Мушук хайратланарли даражада ҷўроқли хайвондир ва инсониятнинг одоб-ахлоқи билан инсонларга ўхшаيدир. Шуларнинг табиқати онларида ҳам шахсан ўзининг чағдаслигини намойиш қилиши ҳам одамзот тулғумизга монандидир.

Жером К.ЖЕРОМ

Томас Генри мен билган мушуклар орасида энг сарфатли ва ҳурматлиси эди. Аммо бундай мушукни Томас дебгина аташ бемаънилик бўларди. Бу мушук Реформ клуби қасобининг илтифоти ила кўлимизга тушиб келди. Мен мушукка қараб туриб, Реформ-клуб Лондон шаҳри орасида ягона эканлигини ҳис қилдим. Ундан кўбик клубнинг улғуворлиги ва қадр-қиммати уфуриб турарди. Ҳозирда у клубни нега тарқ этганлигини унчалар андай олмайман. Аммо ўйлашимча, мушук ўз манфаатини устунроқ қўядиган бош ошпаз билан келиша олмаган бўлса керак. Улар орасидаги адоватни билган ва бизда мушук ақлигини эшитган қасоб ҳар икки томоннинг муносабатини биратўла ҳал қилган кўринади. Бу билан мушукнинг ҳам, ошпазнинг ҳам мақсади рўёбга чиққан. Улар муносабатини ажратилган ва Томас бағоят хайрихоҳлик билан бириккиди яшай бошлади.

Мушукка кўзи тушар-тушмас хотиним унга муносиброқ раҳм қилишни тақлиф этди – Генри. Менинг миямга эса янада янги – икки исм билан аташ келди. Шу тариқа уни олға давлатида Томас Генри деб чакира бошладик. Дўстларимиз орасида ҳам уни одатдагидек Томас Генри эскавайр деб атардик.



Томас Генри хонадонимизга оғир босиқлик ва вазминлик билан ўрнашди. Унга менинг оромкурсим маъқул келди чунки – дарҳол уни банд этди. Агар бошқа мушук шундай қилганида, уни алпақачон қувиб солган бўлардим. Аммо Томас Генри бундай муомалабот мушуклар сирасидан эмас эди.

Бизнинг уйда мушукларга тоқати йўқ, яна бир аёл (хотир ҳам у биз билан яшайди, у энди анча кечсайган ва оғир-вазмин бўлиб қолган) умргузаронлик қилади. Унинг фикрича, дум мушукни ердан кўтариб олиш учун қулай восита эди. У ўзини катта фахмилар, мушукларни қошиқ билан зўрлаб овқатлантириш керак, дەر ва ўзи боғалар аравачасида сайр қилишни ёқтиради. Мен уларнинг – Томас Генри ва аёлнинг биринини учрашувидан хавфсизланганим. Улар орасида ўнғайсиз ҳолат юзага келмасин-да деган ҳадик бор эди. У ҳолда мушук олдимга нуфузимиз тушиб кетган бўларди. Аммо менинг шубҳаларим беҳуда экан. Мушукда одобсизлик ва тақаллуфсизликка йўл қўймайдиган нимадир бор эди. У мулоийм тарзда, лекин дадил жойлашдики, аёл беихтиёр унга майинлик билан ёндашди. Мушук ҳам унга нафрат ва жаҳлсиз қиё боқди.

Дарҳақиқат, Томас Генри мушуклар орасида олижанон эди. У бошқа мушуклар сингари овқат сўрамасди. Одатдан дек овқат маҳалида менинг ёнимда ўтирар ва емиш беришмани кутарди. У фақат қўй гўшtidан тайёрланган котлетни тановул қиларди. Ковурилган мол гўшtiga қараб ҳам қўямасди. Бир тал уйимизга келган меҳмон унга кемирчак-тоғай тортиқ қилганда, индамай ташқарига чиқиб кетдию, ўша меҳмон кетгунича уйга қайтиб кирмади.

Аммо ҳар қимнинг ҳам ўз ожиз томони бўлади. Томас Генрининг заиф жиҳати эса ковурилган ўрдак эди. Ковурилган ўрдак ёнида ўзини туттишга назар ташлаб, унинг рухий оламини кашф этдим. Кўз олдимда унинг тубанлашуви юз беради. Ковурилган ўрдакни кўрганда у ҳақиқий мушукка, фақат мушукка айланарди. Унинг олижанон ҳислатлари худди никобдек учиб кетарди. У ўрдак учун тимдалашар ва пастлашиб, тубан кетарди. Бир бўлак ковурдак ўрдак учун жонини беришга ҳам тайёр бўларди гўё.

Бизда бу хавфли таомни унга беришни тақиқлаш фикри туғилди. Чунки бу овқатнинг олдидан унинг паст кетиши бизда оғриқ уйғотарди. Қолаверса, бу ҳолни кўрган болапаримизда нотўғри тарбия шаклланиб қолиши мумкин эди.

Томас Генри худудимиз мушуклари орасида ажралиб турарди. Унга қараб соатни тўғрилаб олиш мумкин эди. Туш-пачадан оғир хийбон бўйлаб албатта ярим соатлик сайрга кетарди. Ҳар кунни кечқурун, ролпа-роса соат ўнда ошхонага кетарди. Соат ўн бирда менинг оромкурсимда уйқуга кетарди. Мушуклар орасида унинг дўстлари йўқ эди. Унинг уришига қуши борлигини ҳам ҳеч сезмадим. Хатто ёшлиғида ҳам унинг шиганига шубҳа қилардим. Урғочи мушукларга нисбатан эса умуман бефарқ эди.

Шундай бонжусон ҳулк-атвор билан у бутун кишини ўтказди. Бизга уни қишлоққа олиб кетдик. Шароитнинг ўзгариши унга беҳуда берса керак деб ўйлагандим. Дарвоқе, у семира бошларди. Кечора Томас Генри! Афсуски, қишлоқ уни абор қилди. Бу ердан қайси нарса уни ўзгартирди, айтолмайман-у, аммо рўйишмича, бахр-дилни айратувчи тоза ҳавога у қўнмикаган экан. Томас Генри тик қиялиқдан шу қадар тезликда пастга кетдики, биринчи кечада у соат ўн биргача қаякқадир йўқолди. Бизнинг қуши умуман қорасини кўрсатмади. Учинчи кеча эса, кечар соат олтида бошидаги туқлари қамайган ҳолда пайдо бўлди. Албатта, бу урғочи мушуклар аралашилган воқеа саноиб бўлиши керак. Чунки мушуклар хиргойиси тун бўйи эшикнинг тўғрисида. Томас Генри ҳақиқий кавалер эди ва урғочи мушуклар кундузи унинг ёнига тез-тез келаётган бўлишди. Кечора, андангачан мушуклар ҳам Томас Генри ёнига келиб овқат ўрнатиб беришни сўрашарди. Табиийки, Томас Генри уларнинг талабини қондиради.

Қишлоқ боғалари кун бўйи бизнинг уйимиз олдида турганиниб мушуклар жангини томоша қилишарди. Ҳазбатдан уя боқалари ўлган мушукларини ошхонамиз столгига қўйишар, ҳақини сўраб фиғони фалакка чиқардилар. Ошхонамиз мушукларнинг ҳақиқий «мор»ига айланиб қолди.

Авалгига адолат юзасидан ўлган мушук эгаларига ярим қант бериб қутуллардим. Кейинчалик мушуклар нархи ошиб кетди. Бир кунни кечқурун ошхонага кирдим. Кейинги пайда ролпа мушукларни санаш учун ҳар кеч ошхонага киришга одатланган эдим. Кўрдимки, улар орасида камдан-кам учрайдиган ён эри туғли ноёб нусха ҳам бор эди. Энг катта тўлов унинг эри бўлди.

Биз, Томас Генрининг ўнгиланиши учун бир неча бор им-кониёт бердик. Аммо у кундан-кун ваҳшийлашиб боради.



Унинг жиноятлари браконьерлик даражасигача бориб етган. У хатто жуъа ўлирлашни ҳам одат қилди. Унинг айблари учун тўлов қилавериш тўйиб кетдим.

Мен боғбонга маслаҳат солдим. У шундай ҳолларда қилишим лозим бўлган тадбирни қўллашни маслаҳат берди.

— Уни қандай даф этишни билмайсизми? — сўрадим мен.

— Нета энди, сэр, — жавоб берди боғбон. — Пешонасига тош боғлаб ховузга чўктириш. Эшитишимча, бу энг яхши муолажа.

— Яхшиси, уйқуси олдиран юкори дозали дори бериб кўрсак, — дедим мен. Боғбон шундай қилди. Шу билан можа роларга яқун ясалди.

Бечора Томас Генри. Реформ-клуб хавосида ўсиб-ўлганган тартибли жентлмен бўлиб қўллаб мушукларга ибрат бўлган Томас Генрига ҳамон ачинаман.

## БАХТГА ИШОНМАЙДИГАН ОДАМ

У поездга Илсувиечада чиқди. Унинг қўлтиғида етти хилдан халфалик газеталар бор эди. Англашимча, уларнинг барчасини ўз ўқувчиларини темир йўллардаги бахтсиз ходисалар ва ўлим ҳолатларида суғурта қиладиган нашрлар эди. У буюмларини юклар қўйиладиган тўр халтага жойлаштирди. Шляпасини ечиб ўриндиққа — ўзига яқинроқ жойга қўйди-да, қизил рангли дастурмоли билан сочсиз тақир бошини артди. Шундан кейин барча газетага исм-шарифи ва манзилини ёзиб чиқди. Мен унинг рўпарасига ўтириб «Панч» газетасини ўқиб борардим. Ҳамиша йўлларда қандайдир ҳажвий журнал олиб юриш одати бор. Менимча, бу асабларни тинчлантиради.

Мэннингтрита етиб келганимизда вагон кескин ситланди, шунда шеритимнинг буюмлари орасида турган така антика овоз чиқариб пастта қўлади ва унинг бошига дараңглаб тушди. Унинг юзидан на хайрат, на нафрат ифодасини кўрдим. У бошида пайдо бўла бошлаган гурра устига рўмолчасини босди-да, такани қўлга олди. Унга таажжубомуз қаради ва деразадан ташқарига иргиди.

— Оғридимми? — сўрадим мен.

Бемачни савол. Ахир уч фунтча келадиған така бошига тушади... Унинг бошидаги шиш каттайиб борарди. Фақат аҳмоқина бундай ҳолатда оғриқ бўлишига шубҳа қилишни

қўлимни. Бемаза саволим учун ундан ачиқ-тизиқ жавоб кутганим. Даро, ўзим ҳам бундай аҳволда зардалги сўз айтишдан тиниб олмасдим. Аммо у бунга табиий ҳол сўрашдек шайбониди ва:

— Бироз, — деб қўйди.

Бу сўзга ўзи нимага керак эди? — дея сўрадим.

Қўлга такани олиб юриш камдан-кам учрайдиган ҳол эди-да.

У станциянинг шундоққина ёнида турган экан, — дея тушунтириб қамрохдим. — Бахт келтирувчи деган ниятда олгандим.

У рўмолчасининг акс томонини бўклаб яна гурранинг янги я қўлди. Мен эса тақдирнинг фаройиб ўйинлари хақида кўрашиб кетардим.

Ха, — донгап бошлади у. — Хаётим омадларга тўла бўлди. Аммо улар менинг фойдамга ҳеч нарса бермади. Мен чор-чанда кунни туғилганман. Билсангиз, бу энг бахтли кун. Онам кундан эди. Қариндошларимнинг бирортаси мента мадакор бўлмаган. Уларнинг айтишича, чоршаба кунни туғилган бошқа ёрдам бериш нафсиз иш эмиш. Бобом ҳам у дунёга кўраш қўлаётиб, барча бойлигини жума кунни туғилган акамга вақонинг қилиб қолдирганди. Мента эса, қачонлардир бойиб кетган, қариндош-уруғ ва яқинларимни қўллаб-қувватлаш вазифасини туғисидиган ўлит-насихатлар мерос қолганди...

У жамиб қолди. Сўнгра суғурта қилинган газеталарни тах-таш палатосининг ички чўнтагига солиб қўйди.

Кейин эса, бу қора мушуклар... — дея давом этди у. — Ай-шайларча, улар бахт келтирар эмиш. Шундай қилиб, Болсо-вер-стритдаги хонадонга жойлашган биринчи кунимдаёқ қора кўнгуларнинг энг қораси хонамда пайдо бўлди.

У оғизга омад келтирдими? — дея савол бердим қизиқиб. У тавдан тўхтаб қолганди.

Унинг юзидан ташвиш аломати пайдо бўлди.

Теп бўлса қандай қарашда, — деди у жумбоқли тарзда. — Билан ҳаракатларимиз тўғри келмагандир. Ҳамиша шундай деб ўзимизга тасалли берамиз. Аммо таваққал қилишда да-вола аставериш керак.

У дераза томонга қараб ўйчан тикилди. Аглами хотира-ларини тинглашга имкон бериш учун бироз жим турдим-да, кўнгра сўрадим:

— Умуман нима бўлганди?

У донгапига қўйди:



— Ү-й, унчалик муҳим эмас, — деди у. — Бир аёл бўларди бироз вақтга Лондонга бориши керак эди. Севимли туғин бор эди, парвариш қилиб туриш учун бериб кеттанди.

— Нима бўлти, бу ахир?.. — дея ўзини тийиб туролмадинг, — Эҳтимол, — дея тинчланди у. — Аммо бундан кимларнинг фойдаланиб колгани кўнгилмини совятади. Ахир мен туғилган корра мушукларни алмаштирдим-да, — дея ўзига гапирган дек қўлиб қўйди.

Биз сигарет тутатганча сўзсиз ўтирдик. Бу ҳолатда тасовир беришга ҳожат йўқлигини ҳис қилдим.

– Човкар она оттар ҳам бахт келтирадиди, – деди у. – Мен ҳам човкар от ҳам бор эди.

— Уни деб мен яхши иш жойимдан ажратганман, — давом этди у. — Кипмишларимга бошқарувчи яна ҳам узоқдади. Ахир ҳамиша маст юрувчи инсонни бир ерда ушлаштириш мумкинми? Бу ахир фирма обрӯсига путур етказадиган ку-

— Шубҳасиз! — тасдиқладим уни.  
— Кўрдингизми, — сўзини улаб кетди у. — Ичиш қолдасини билмайман. Бошқалар қанча ичишсади, ҳеч қим билмайман. Мени эса биринчи қадахдаёқ оёғимдан олади. Бунга акин кўникмаганман-да.

– Нега ячасиз ахир? – воқеани эшитишга янада ошиққардингиз.

– От сизни мажбур қилмагандир?

— Ҳоҳе мана бундай бўлганди, — дея унинг тарихи Ҳаққу сузгай бошлади у бошидаги туҳумдек бўлиб қолган шиш остида ни артар экан. — От аввал вино савдоси ташкилотига тегиш бўлиб, у соҳанинг шохоб-чаларида ишлатилган экан. Шунинг учун отта ҳар қуни майхоналар ёнида тўхташ одат бўлиб қолган. Унинг бу кўнжмасини ҳеч йўқота олмадим. Ҳар бир майхона ни чорак мил узоқликдан танийди ва тўғри ўша ерга боради, ерга киришдан аранг ўзимни сажгаб юрдим. Аммо бора-бора биз борган пайда атрофимизда одамлар тўпланадиган бўлиб, бир қуни улар орасидан бир хушбӯроғи мени муқаддас жойга, зиёрат қилувчи, отни эса зиёратчини олиб юрувчи деб атади, менинг жаҳлимни чиқарди. Бир қуни мен бу ерга йнгани келганимдан деяр айтиб юбордим. Ҳаммаси шундан бошланди. Бу баюлу қутлишим учун эса йиллар керак бўлди.

– Мента хамиша шунка багалар учраб туради, – сўзини давом эттирди у. – Бир жойда иш бошлаб хали кузга кўриним

Башлык Рождество муносабати билан мени 18 фунтча  
сыйланган катта гоз билан тақдирлади.

Алар бу икши-ку, — таъкидладим мен, — Фавкулодда бахт  
 динини қам тулқини.

Ушундан бошқалар ҳам шундай деганди, — жавоб берди.  
Жавобнинг умрида бировга тухфа бермаган экан.

бир-биринлигизни ёқтириб қолдингиз, — Дейишди улар. —

Мол, қолни нима қилдингиз? — дея сўрадим.

— Кун, години нима қилдингиз? — дея сўрадим.

...этиот унда юз берганди. Хуллас, хужайин бир ердан ун  
...жугатилгани ва унинг кераги йўклигини айтиб менга хад  
...Мен шубҳасиз миннатдорчилик билдирдим. Совған  
...ураб, кўтифимга урдим. У жуда оғир эди. Рождество  
...тагани учун бунинг шарафига бир стакан пиво ичи  
...бўлмаасди. Мен майхонага кириб, фозни бир бурчакки  
...қўйдим.

Катталигини қаранг, — деди майхона хўжайини. — Эрта  
ин кишини эур ўтаркан-да.

Ушунчә буларни мени үйлантириб куйди ва шундагина аңлаштым, бу куш мента керак эмас. У мента факат халал бир кешини кутултурган. Мен Кентта борилишим, у ерда бир хоним биле кешини кутултурган. Мен Кентта борилишим керак эди. Уларнинг оиласи уяига ташлашкан. Мен Кентта борилишим керак эди. Уларнинг оиласи уяига ташлашкан. Мен Кентта борилишим керак эди. Уларнинг оиласи уяига ташлашкан.

Менга керак эмас, — деди у. — Ана, унакадан учтаси  
 менга. Бизки анави жаноблардан бирортаси сотиб олар.

[illegible]



иккинчи кўлимда унинг боғич ипию, қоғози билан нари кетдим. Қизиқишда ўзимга эътиборсиз қолибман, ўйлаб қарасам, жуда кўпчили холатда эканман. Шунда ғозни яна қайтадан ўрадим, ёмғир ёғиб юборгани учун қоғози хўл ва лой бўлиб кетганди. Ип ва қоғоз топиш учун йўлда яна бир майхонага кирдим. Одам кўп эди. У ерга суқилиб кирдим-да, майхона пештахтасига ғозни кўйдим. Ҳамма ёқ хўл бўлгандек эди. Шу пайт ёшроқ киши:

— Уни ўзингиз ўлдирдингизми? — дея сўради.

Шубҳасиз мен унга ажаблангандек қарадим. Бу ерда ғозни сотишга умид йўқлигини пайқадим, уни тоза қоғозга чиройли қилиб ўрадим-да, ташқарига ошиқдим.

Кўчани кесиб ўтаётиб, миямга ажойиб фикр келди. Уни по-терёяда ютказсам-чи! Дарҳол буни амалга оширадиган жой ахтара бошладим. Уни излаш жараёнида у ер, бу ерда бир-икки стакан виски ичишга тўғри келди. Ниҳоят, шундай жойни топдим. Бу Госуэлл-роуддан унча узоқ бўлмаган уй эди.

Мен хўжайинга максадимни айтдим. У қарши эмаслигини, аммо ғозни сотишда барча ичимликларини тикишини айтди. Мен рози бўлиб унга паррандани тутқаздим.

— Кўриниши ғалатиروқми? — деди у.

— Зарари йўқ, ювса бўлади.

— Ғалати хиди ҳам бор.

— Бу қирлиги учун, — дея жавоб бердим мен. — Лондонданги чанг кўчаларни биласиз-ку. Қовурганда йўқолиб кетади.

— Балки шундайдир, — деди у. — Менга-ку, керак эмас. Кимгадир лозим бўлса, ўзи билади.

Ғозга ҳеч қим эътибор бермади. Мен баҳосини олти пенондан бошладим ва ўзим баглиқ сотиб олдим. Мен майхона хўжайини бемалол ҳаракат қилиши учун имкон бердим. Бу ишга яна беш киши арапашди. Мен эшик томон юрганымда ковоғи солиқ бир кимса ғоз учун 7,5 пенс таклиф қилди. Непча айнан 7,5 пенс — мен тушунмадим. Агар ғозни олиб кетса, мен уни ҳеч қачон кўрмас, бу хўл балодан кутулган бўлардим. Ҳаётим ҳам бунчалик чигаллашиб кетмасди. Аммо қисматим ҳаммаша мени қаро кўнларга дучор этади. Мен унга Рождествонинг тушлик хайр-эхсонини бошқа ердан кидир, дедим — да ғозни олиб ташқарига йўналдим.

Тун кирган. Уйимгача ҳали узоқ эди. Шу ғозни рўпара қилган кунга лаънатлар айтдим. Гўё энди унинг оғирлиги 30

фурқатдан қим эмасди. Шу пайтда миямга парранда савдоси билан шуғулланувчилар келдию, шундай дўконни Миддлтон-стритдан топдим. Дўконда бирорта харидор йўқ эди, мен ғозни пештахтага кўйдим.

— Бу яна нима? — сўради у.

Ғоз, — дедим мен. — Уни арзонгина сотиб олишингиз мумкин. Шу он у ғозни олиб мен томон отди. Мен ҳам ғозни унга отдим. Аммо шу онда эшик олдида полиция пайдо бўлди.

— Бу нима тартибсизлик?

Мен қолатти тушунтирдим. Дўкон сотувчиси эса бутун ерда эшитиладиган даражада баланд овозда шангиллади: — Буни қаранг, ярим кеча бўлса, дўконда етти жуфдан ерлик сотиладиган ғоз турган бўлса. Манаву тўнка яна битта-ерта сотиб олишимни сўрамоқда.

Шунда менинг бу ишим аҳмоқоналигини тушундим ва полициянинг маслаҳати билан ғозни олиб секингина у ерни тарафга отдим.

Ушунга қарамай бериб юборишим керак, — дедим ўзимга қара. — Қандайдир бир бечорани топан-да, бу қасофатдан кутулман. Илтимда кўлаб кишилар учура, аммо назарим-бу кўрсаткичнинг топа олмасдим. Жада-стритда қандайдир оч-қонган кимсага ғозни бердим. Чамаси, у бир пианиста кимса эди. У мени яхши тушунмади чоғи, ортимдан анча жойгача қорғинга келди. Мен хато қилганимни билиб, матоҳимни ердага қолта урадим. Юстон-роудда эса бир совқотан қизга ғозни бермоқчи бўлдим. У «Яна нима хоҳлайсиз?», дея нари келди. У бир тапни такрор-такрор айтиб қочарди «Ғозни қорғиндан! Ғоз ўтриси!». Сеймур-стритда ҳам биттаси уни қорғинга олиб кўздан кечирдию, қайтиб берди.

Сўраш қиббониди ғозни ташламоқчи эдим. Аммо бу ҳудудни мен марта айланган полициячи мени синчковлик билан кузатарди. Госуэлл-роудда уни ертўлага қўйиб чиқмоқчи эдим, аммо полициячи ҳалап берди. Гўё Лондон полициясининг тун-да парбатчилиги бутун тун бўйи менинг ғоздан кутулишимга қарши бериш учун банддек эди. Балки полициячиларнинг бу ғозга қизиқиб қолишгандир. Улардан бирига уни олишни таклиф қилдим. У нафсониятимга тегадиган сўзлар билан қарши. Мен ҳам тек турмадим. Нималар деганим ёдимда эртун. У мени олиб кетмоқчи бўлганда хушимни йиғиб олдим. Қанда у ердан Кинг-стрит бўйлаб жуфгакини ростладим. У



хуштагини чапганча изимга тушди. Колпенг-стрит тантаналар майдонидан чиққан бир кимса мени тўхтатишга уринди. Мен эса дарҳол қаллам билан унинг қорнига бир суздим-да, ортимга бошқа кўча орқали қайтдим.

Канал кўприги орқали ўтарканман, атрофда ҳеч нани йўқлигига амин бўлдим. Мен ғозни сувага отдим.

Ниҳоят, енгил нафас олиб Рэндолф-стритга қайтдим, аммо рўпарамдан полициячи чиқдию кўлимдан тутди. Мени инспекторга рўпара қилишди. У биринчи полициячидан нега қочганлигини сўради. Мен Рождествонинг биринчи кечасини тутқунда ўтказишни хоҳламаганлигимни айтдим. Каналга нима ташлаганлигимга қизиқди. Ғоз эканлигини айтдим. Нега ғозни сувага ташлаганлигини сўради. Бир расво парранданинг машашаси жонимни ҳалқумимга келтирганлигини айтдим.

Шу онда кирган сержант сувага ташланган нарсани олиб келганлигини айтди. Улар ўрамани асталик билан очинди. Қоғоз ичида ўлиқ чақалоқ бор эди. Мен эса бу қоғоз ўрамга меники эмас, бола меники эмас, дея ўзимни минг оқламай, улар менга ишонмаслиқларини ошқора изҳор этишди.

Инспектор бу жиддий воқеа эканлиги, мени қўйиб юбориш мумкин эмаслигини айтди. Мен улардан қайлигимга бу ердан атайин ушланиб қолмаганлигимни баён этувчи телеграмма жўнатишга рухсат сўрадим.

Ахири далиллар етарли эмаслиги учун иш тўхтатилди. Аммо менда ичкиликбозлик ва жамоат тартибини бузиш айблови турарди. Шундай қилиб, мен яхши ишим ва қайлигимдан айрилдим. Шундан бери ғозни кўргани кўзим йўқ...

Биз бу вақтда Ливерпул-стритга етиб келгандик. У барча бўюмларини йиғиб, шляпасини кийишга уринди. Аммо боши дати шиш сабаб, шляпаси ҳеч ўрнамади. Ноилоҳ, у гавитни холда уни ўриндиқка ташлади.

— Шунақа гаплар, — деди секингина. — Мен бахтга жаа ишонавермайман, дея олмайман.

## БОШҚАРИШНИ ЁҚТИРУВЧИ ОДАМ

Мента хикоя қилишларича, бу воқеани уни яхши билганлар айтиб берганлиги учун ишонмасликка асосим йўқ эди, у бир ярим ёшли пайтида қошиқда ўзи тановул қилишни бунга

ва тавонганлиги учун ўқиб йиғлаган, уч ярим ёшлигида эса буна турли бонжага тушиб бақага сузишни ўргатаман деб, чўжиб ўзини бир баҳя қолган экан.

Шундан кейин икки йил ўтгач, мушукка боласини оғритмай янгидай қорини ўргатмоқчи бўлиб, чап кўзидан айрилай дедил. Ҳаминан шу ёшида асаларига вақтини беҳуда сарфлагани учун тўғри келган гулга эмас, асал шарбати кўпроқ тўғри қоринини кўрсатаман, деб арининг нишига дувор бўлган.

Ҳа, у бошқаларга азбаройи ёрдам бериш умиди билан ёши ширарди. У тонг пайтлари узоқ муддат каттак ёнида ўтириб, тавола қандий тухум қуйишни ўргатар эди. Ўз ихтиёри билан тушдан кейинги боғ орагаб сайр қилишдан воз кечар, унинг янги севимли олмаҳонига ёнгоқ чақишни ўргатишдан эринмасди. У отти ёшга тулмай туриб онасига боғаларига қандай янги-бадда бўлиш ҳақида кўрсатма бера бошлади. Оғасига ва уни нотўғри тарбия қилётгани тўғрисида иддаого ўтди.

Болалигида у ўнга боғаларга кўз-қуллоқ бўлишни ёқтирарди. Бу янги унга олам-олам хузуру бағишлар, ўғаларга эса азоби қаттиқ келмас эди. Бундай машаққатли мажбуриятни ўнга янгидай олган ва бундан ҳеч қандай манфаат — на муқофот, на миннатдорчилик изҳори кўзламас эди. У кўз-қуллоқ бўлмоқчи бўлган боғалар ундан ёшми-каттами, кучлими-оқими — бундан унга фарқи йўқ эди. Уларни қачон, қаерда кўрмасин, дарҳол назоратига олар, кўз-қуллоқ бўлар, бошқарарди. Бир вақт каттабнинг ўрмон билан ажратилган томорқасида боғаларнинг шовқин-сурони эшитилиб қолади. Буни билгиш учун у янги ёниб борган ўқитувчи шундай ҳолатнинг устидан чиқади. Ҳаминан ерда чангта беланиб ётар, ундан икки бараваар оғир ва ёни катта тулишган акаси унинг устида ўтириб, зағворли янги билан дўппосларди. Жафокаш фидокорни бу ҳолатдан кутарган ўқитувчи уни тегтай бошлади:

— Нега ўзинг тенгилар билан ўйнамайсан? Нечун катталарнинг буруннинг сукасан?

— Кечирасиз, сэр, — дейди у. — Мен уларга кўз-қуллоқ бўлиб тураман.

У жуда олижаноб бола эди, шунинг учун ҳам мактабда янгидай унинг тоштахасига барчани ёзишга рухсат берган эди. У хатто боғаларни бунга мажбурларди ҳам. Бу билан у боғаларга азбаройи яхшилик қилиш ниятида бўларди. Аммо бунинг натижаси ҳамиша нобоп, хато бўлиб чиқар ва бу



билан у бошқалардан тўбдан ажралиб турарди. Одатдагимен тутуруксиз килмишлари кўз ёшлари билан яқун толарди.

Ёшларга хос ёр мулохазасизлиги эътиборсизларча қилинган ишлари ақс яқунига қараб баҳо берган ўғаллар уни чет жойларда кутиб туришар ва шафқатсизларча савалашарди.

Унинг жами қувави ҳофизаси бошқаларга ўргатишга сарф бўлар, ўзининг шахсий ишларига эса ҳеч вақт қолмас эди. У тажрибасиз ёшларни уйига олиб келиб, боксни ўргатарди.

— Қани, бурнимга зарба бер-чи? — дерди у мудофаа вақини тиди туриб. — Кўрқма, бор кучинг билан уравер.

Ўсмир унга зарба берди... Бурнидан шариллаб оқаётган қонни бироз тўхтатиб, яна ўсмирга ўргатишда давом этарди.

Гольф ўйини пайтида эса бошловчи ўйинчига тўлни қандай бошқариш ҳақида тушунча бераётиб икки марта оёқидан жароҳат олиб, хафталаб оқсоқланиб юрди. Крикет ўйинига келсак, эспашимча, у бир кун қайсибир ўйинчига машғулот ҳақида тушунча бераётиб унга ҳалақит берган ҳакам билан анча тортишишганига гувоҳ бўлганман.

У билан бир-икки бор ҳамсуҳбат бўлганимдан сўнг бир кун ишхонамга сўрамай-нетмай, тўё менинг қадрли дўстимдек бостириб кирди ва эртароқ келмагани учун хушомадўйин билан уэр сўради. Мен унинг озгина совуққонлиги учун уярни кабул қилдим.

— Йўл-йўлакай почтальонни учратиб қолдим, — деди у мента кўк рангли хатжилдани тутказар экан, — у шунга сизга бериб қўйишимни тайинлади.

Кўрдимки, бу сув учун тўлов қоғози эди.

— Сиз бунга эътироз билдиришингиз керак, — дея давом этди у. — Бу 29 сентябр кўнигача бўлган тўлов қоғози. Ҳолант эса ион ойи. Бунга тўлаш ҳақида уйлаб ҳам ўтирмант.

У бунга қанчалар жиддий тус бериб айтмасин, мен худди шу оҳангда бу тўловни эртани, кечми — барибир тўлайман-ку, дея ховурини босмоқчи бўлдим.

— Гап бунда эмас! — дея у қизишди. — Нуктаи назар муҳим. Ҳали фойдаланилмаган сув учун пул тўлаш қайси қондаги тўғри келар экан? Сизга бажариш керак бўлмаган ишнинг амалга оширишига кимнинг ҳаққи бор?

У расмий тусда шундай сўзлардики, унинг гаплари га лакка тушган ўзим аҳмоқ. Хуллас, бир соатча сўзлаб, у гап менинг инсоний ҳуқуқим тўғрисида кетаётгани, автар

қаратилуа шу — ион ойида сентябр ойигача бўлган тўловни қайта оширсам, менингдеклар учун қон тўкиб, ҳалок бўлишдан аждодларимизга муносиб ворис бўлмастлигим муваппи эканлигини уқтира олди. У сув иншооти компанияси тўрдан ноҳақ эканлигини рад этиб бўлмас далиллар билан йўқлатиб берди ва унинг ундови билан директори номига кескертмама мактубни ёздим.

Компания котибининг хатимга жавобиди менинг нуктаи назарим эътибордан четда қолмаслиги, қарзлар масаласи ҳақ тўғрисида ҳал этилиши, қизиклишарим ҳимояси йўлидаги йўналишлар ишончли вақитга маълум келмаслиги айтилганди. Қани Поплтонга кўрсатишим билан у фоят завқланиб кетди.

Бу хатни мента беринг, — деди у мактубни буклаб қўриганига тикқар экан. — Биз энди уларга кўрсатиб қўямиз.

Мен ушга пайтда ижодий ишлар билан банд бўлиб, драматургия жанрида қалам тебратардим. Шу боис ҳаётдаги бу йўналишдан анча йироқлашган эдим.

Беллаштирувчи — муросага келтирувчи суд қарори мени муроғидан туширди, аммо янги танишимнинг иштиёқи янада ошди. Қилиштирувчи судьяларни қари, мияси айниган адвокатлар дўб атади. Юқорироққа ёзиш керак эмиш.

Тушунинг қойини босқичида кекса, майин муомалали адвокатларнинг мента айтишича, тушунмовчиликлар назардан тўтатган ҳолда қонун моддаларига кўра водопровод компаниясининг судлов харажатларидан озод этилибман. Шундан келтириб чиқилганлардан сўнг мен бор-йўғи қандайдир эллик фунтга ютибман ҳолос.

Шундан кейин бизнинг дўстлигимизга анча совуқлик тушди. Аммо биз қўшни бўлганимиз учун уни ҳаммаша учратиб қўлишимизга тўғри келарди.

Айтишларича, турли бап ва кечаларда унинг файрати оғир тошиб кетаркан. Шундай пайтларда унинг қайфияти эса берондларовоз оҳангларида бўлар, шунда у жуда хавфли оҳангга айланарди. Дунёда ҳеч бир қимса омма учун унчалик қим қилиб хизмат қилмаса керак. Шунингдек, ҳеч қим унчалик қим қилишни деркистриб, ҳафсаласини пир этмас-ов.

Мен аниг кечасида бир оғайниминикига кириб, шундай кечаларга дуч келдим: ўн тўрт-ўн беш нафар кекса аёл ва эркаклар хона ўртасидаги ором курсиллари атрофида одоб тартибдан қолда пилдираб қадам ташлашарди. Поплтон эса



фортепьяно чаларди. Вақти-вақти билан у чапишдан тухтар шунда тинка-мадори куриган қариялар хурсанд ҳолда тин олиш учун ўзларини ором курсиларга ташлашарди. Фақат оромкурси етмаган биттаси секин-аста бу ердан «куёв» бўлди, бошқалар унга сукланиб қараб қолдилар.

Мен эшик олдида туриб бу қайғули ҳолатни ҳайрат билан кузатардим. Шу пайт уйдан кутулиб чиққан ҳалиги бахтиёр кимсадан бу ғалати хатти-ҳаракат нимани аниқлашнинг шунтириб беришини сўрадим.

— Асти сўраманг, — деди у титраб-қакшаганча. — Поллтоннинг навбатдаги аҳмоқона ўйини. Ҳали уларни фант (куръа) ташлаш асосида бирор топириқни бажаришдан иборат ўйин) ўйини ҳам кутиб турибди.

Мени кўрган хизматчи аёл худди шунини кутиб турганидек, унга хабар бермоқчи бўлди. Мен унга асло хабар бермаслигини азбаройи илтимос қилиб, кўлига шиллинг тутқаздим-да, ўзимни бу ердан олдим.

Унинг бундай хурмача ўйинлари бисёр эди. Шохона тушликлардан сўнг у кўпинча ҳаммани рақсга тушишга талпиқ қилар, сизни дарҳол гиламни йиғиб қўйиш ёки роқини хона бурчагига олиб боришга ундарди. У шунчалар турфа ўйинлари билардики, бу билан у ўзининг мўътабар маъшароҳини очиши мумкин эди. Энг ёмони, ҳамсухбатлар билан роса мириқиб гаплашётганингизда ёки дидингизга монанд бирор хоним билан дипломатингизда бирдан у алападан суяк чиққандек олдингизда пайдо бўлар, сизни бозорта қилишга тушарди. «Бўлинг! Кетдик. Биз адабиёт жумбони ўйинини ўйнаймиз». Сизни стол ёнига мажбурлаб етаклар, ёнингизга қоғоз ва ручка қўйиб, ёзишга зўрларди. «Ўқинг! Бирон романингиздаги сеvimли қаҳрамонингизни ёзинг!» Бу ҳам етмагандек, бу юмушни бажаришингизни сергаклик билан кузатиб турарди.

У ўзини заррача аямас, устига катта масъулиятли вакилларни юқлаб оларди. Доим кексаларни станцияга кузатиб кўяр, улар ўз жойини топиб ўтирмагунарича кўнгли тинч масди. Унинг қалби энг яхши ниятлар билан тўла эди ва бу билан уни дунёдаги энг олижаноб одам дейиш мумкин. Касал кўргани борганда албатта яхши ниятлар билан чўнтакда бирон ширинлик солиб олар, аммо бу хастага кимматга тушар эди. Унинг ширинлиги касалга зарар келтириб, унинг

қалбини баттар оғирлаштирарди. У ўз ҳисобидан қайиқда сайр ёлғизини ташкил этиб, одамларни тақриф қилар, аммо айни бошқарувчининг ёмонида учраб, сайр этувчилар эваб чилар, оқибатда эса унга раҳматлар эмас, лаянатлар биларди.

Поллтон тўй-маросимларни ҳам бошқаришни жуда бахтарди. Бунда ҳам яхши ниятдаги қилмишлари «қовун тушириш» бўлиб яқунланарди. Бир кун у келиннинг черковга келишдан ун-тўрт соат олдин келишини таъминларди. Бу билан у қанчалар шодлик олиб келувчи кунда қариндош-уруғлари билан биларди. Бошқа сафар эса авлиё отани чақириш ёдидан қиларди. Шунга қарамай, қачон хатога йўл қўйса, ҳаммиша айбони ирор бўларди.

Унинг энг сеvimли машғулоти — оилавий можароларда шириниш эди. Узоқ-яқиндаги бирорта оилавий бўзилгиш унинг ширинишисиз кеча тулмасди. Одатда у ишни яраштирувчи бўлиб биларди ва дарахларнинг асосий туюхи сифатида яқунларди.

Агар у журналист ёки сиёсий арбоб бўлганда, унинг раҳбарнинг муаммоларини ҳал этиш борасидаги ажойиб қилмишлари умумхалқ таҳсинига сазовор бўлар эди. Ҳамма вақт шундай эдики, у ўз иқтидорини амалиётда қўллашга уришарди ва ...

*Джером к Джером,  
«Трое за лодке... Рассказы»  
(Москва «Художественная литература» 1984 г.)*



## Кичик мўжойибадлар

### «Ё У УЙЛАНГАН БЎЛАДИ ЁКИ МЕН ТУРМУШ ҚУРГАН БЎЛАМАН»

Бир донишманддан сўрашибди:

— Энг яхши эр-хотин муносабатлари қандай бўлади?  
Донишманд дебди:

— Эр кипаётганини хотин кўрмаса, хотин айтаётганини эр эшитмаса — шу энг яхши эр-хотин муносабати бўлади.

\*\*\*

Машина миниб келаётган қиз мотоциклдаги йилитни уриб юборди. Унча жароҳат олмаган йилит ўтиб бораётган йўловчида деди:

— Сиз менга пувоҳликка ўта олмайсизми?

— Биласизми, нима дейишга хайронман, — деди йўловчи. Умуман олганда, бунча қисқа танишувдан кейинок уйланишни маслаҳат бермасдим.

\*\*\*

Бир аёл иккинчисига нолиб деди: «Хайда ҳеч рўшнолик кўрмадим. Мен тарбияли, хушхўлқли деб танишган эркек уйланган бўлиб чиқади ёки мен бу пайтда эрга теккан бўламан?»

\*\*\*

— Тўғриси янги айт, сента чиройли аёллар ёқадими ёки ақллиси? — сўради хотин.

— Униси ҳам, буниси ҳам ёқмайди, — деди эр. — Шунини учун сента уйланганман-да.

\*\*\*

Эр кадрдон дўстига ҳасрат қилиб қолди:

— Биласанми, мен Москвадан Петербургга кўчиб кетгунимгача ҳам хотинимнинг содиқлигига шубҳа қилмасдим.

«Хўш, нима бўлди?  
— Ҳа, шундаки, унга ҳамон эски мижози сўт олиб келмоқда.

\*\*\*

Бир эркек деди:  
— Ниҳор бўлиш оғир, аммо мен ажралиш учун биринчи маротиба кўйиб бўлдим!

— Қандай қилиб?  
— Уйландим.

\*\*\*

Бир аёл дугонасида сўради:

— Қани айт-чи, эринг қандай одам?

— Ҳа, кўш.

— Қандай яхши. Сента хавасим келяпти.

— Нима ҳам дедим, худди кўёш — кечкурун кетади, эрта-ки келтади.

### “НАҲОТКИ, КАЛИТНИ ЧЕКИБ ҚЎЙГАН БЎАСАМ?”

Янги қурилиш учун тайёрланган жойда прораб бригадасининг музокира килиди.

— Менинг дўстларим! Буюк қурувчилар! Бугун биз янги бинонинг тамал тошини қўямиз. Унутманг, уни биз виждонан қуришимиз кераки, у виждон билан турсин. Қурилиш материалларини четта ташишдан тийилмайлик. Бутун қурилишни бир кўчимиз билан барпо этайлик. Ахир бу қурилиш ўзимизнинг.

— Ун қандай бинони қурашимиз?

— Қулибхона!

\*\*\*

Янги йил тонлида эр эшикни сикарет билан очмоқчи бўлди.  
— Бу ахир сикарет-ку, — деди хотини. — Унда эшик очилма-ди керак?

— Жин урсин, нахотки, калитни чекиб қўйган бўлсам?



\*\*\*

Икки дугона суҳбатлашмоқда.

- Сен неча марта турмуш кўрдинг? – сўради бири.
- Айтишга ҳам уяласан киши, – деди иккинчиси.
- Айтавер, ҳозирги вақтда уялмаса ҳам бўлади.
- Бор-йўғи бир марта...

## КОМПЬЮТЕРНИ СПИРТ БИЛАН ЮВИШСА-Я...

- Сизда кучли асабийлашиш белгилари бор.
- Ха, доктор. Бир кунни менинг кўз ўнгимда компьютерни спирт билан ювишди.

\*\*\*

Бир киши иккинчисидан сўради: «Сен ичасан-у, ҳеч нарса бўлмайсан».

- Меъёрни билгиш керак, – дебди у.
- Қандай қилиб?
- Ичиш учун ўтирганимда, рўпарамга қайнонамнинг сўра-тини қўйиб оламан. У менга ёқа бошласа – шу меъёр.

\*\*\*

- Бир эркак ресторанга келиб официантга мурожаат қилди.
- Менга ўн иккита рюмкада ароқ келтиринг.
- Официант олиб келди.
- Энди марҳамат қилиб биринчиси ва охиригисини олиб кетинг.
- Нега, ахир...?
- Биласизми, биринчиси яхши кетмайди, охиригисиди тугайман.

## КАМБАҒАЛЛИКНИНГ УЧ БОСҚИЧИ

Унга турмушга чиқиш тақлифи айтилганда стулдан ағдарилди. Сўнг қаравотда узоқ сакради. Кейин бахтиёр ҳолда 15 дақиқача хонадан хонага югурди. Сўнгра жавоб берди: «Мен ўйлаб кўраман».

\*\*\*

- Камбағалликнинг уч босқичи:
- 1. Пул йўқ.

А. Умуман пул йўқ.

Б. Долларни алмаштиришга тўғри келади.

\*\*\*

- Сизда ароқ борми?
- Сен 18 га кирдингми?
- Сизда лицензия борми?
- Хўп, майли, нега асабийлашасан?

\*\*\*

- Бул бўлмоқда. Судья:
- Тинчлик сақлансин! Кимда ким яна бир марта «йўқолсин, кўра!» деса суддан чиқариб юбораман.
- Муқолсин, судья!
- Айбланувчи, бу сизга тегишли эмас.

\*\*\*

- Сеннингилар жанжали:
- Алар сен менинг эрим бўлсанг, мен ичаётган кофеинга таянч қилиб берган бўлардим.
- Алар сен хотиним бўлганимда, бу кофеини бажонидил ичардим.

\*\*\*

- Кўнкор ўйнаб ярим кечада қайтган эр хурсанд ҳолда хотинига деди:
- Биласанми, булун менга омад қилиб боқди. 100 доллар тиктирган кўк костюмим бор эдию, шунга 600 доллар қўшибдан ютказдим.

\*\*\*

- Эр хотини ва қайнонаси билан машинада кетмоқда. Хотин қайнонага танабўх беради.
- Сенироқ хайда.
- Тенроқ, – дейди қайнона.
- Тонати тоқ бўлган эр деди:
- Ёис, машинани ким миняпти, сенми ё онанг?

\*\*\*

- Бемор шифокорга пул узатар экан, деди:
- Сизга катта раҳмат, доктор!



Шифокор пулни чамалади-да, деди:  
— Ошириб юборманг. Унчалик катта эмас...

\*\*\*

Кундаликдан:  
Биринчи кун. Пархезга ўтишга қарор қилдим.  
Иккинчи кун. Энди бундай шошқалоқларча қарор қилмасликка қарор қилдим.

## КИМНИНГ ҲИДА СУНЬИЙ АРЧА БЎЛСА...

Арча бозоридаги эълон:  
«Харидор, унутма! Кимникида сунъий арча бўлса, унинг уйига сохта Қорбобо қабаки совғалар билан келадий!»

\*\*\*

— Кечирасиз, Сиз постановкачи режиссёрмисиз?  
— Ҳа, нима эди?  
— Сизга бу йилги Янги йил тантанаси ўтган йилгига жудаям ўхшаш туюлмаётими?  
— Нималар деяпсиз, ахир ўтган йили арча бошқа томонга айланган-ку.

\*\*\*

Бедарак йўқолган россиялик туристлар гuruhи чангалзордаги дарахт шохида тутилар билан сўжинишган ҳолатда топилди.

\*\*\*

— Эсплагин-а, мен булун эрталаб хонада хурсанд ҳолда югуриб кичкиргандим: «Ура, ниҳоят қалитни топдим!!!»?  
— Ҳа, шундай бўлганди.  
— Шундан кейин қалитни қаерга қўйганимни қўрмадингми?

\*\*\*

Пуллик клиникада беморни юрак хуружидан асраб қолишди. Муолажанинг баҳосини эшитгач, уни яна сақлаб қолишди. Бу ҳол унга жамғарма тизими ҳисобидан чегрени килиб берилгунча давом этди.

## «ЮЗ ДОЛЛАР ҲИДА ТУРИБДИ-КУ...»

— Нега қўшинингизни захирадалингиз? — сўради судья айб-  
ловчи қиздан.  
— Дорин дўжониди сотувчи суваракларни қўшни билан бирга  
захиралашни айтганди.

\*\*\*

— Англия судьялари қачондан бери қора либос кийишади?  
— Улар қиролича Викториянинг дафн маросимидан бери  
қора либосдадилар.  
— Нега улар ҳамон шундай кийимида?  
— Қиролича ҳамон марҳума-да!

\*\*\*

Эр хотинга:  
— Қамзулимни дазмоллаб қўй, дегандим-ку?  
— Дазмолладим.  
— Андиқсан, чўнтагимдаги 100 доллар ўрнида турибди-ку...

## «...ҲОЗИРГИНА ОЛТИ ЙИЛ БЕРДИМ»

Белоруссия. Суд залидан судья ичаги узилгудек бўлиб хо-  
нани чинмоқда. Ундан бошқа бир судья сўради:  
— Нега қўлисан?  
— Қўрмайсанми, ажойиб латифа айтишди.  
— Менга ҳам айт.  
— Йўқки йўқ, бунинг учун ҳозиргина унга олти йил бердим.

\*\*\*

Тамбоғидаги икки ўриндиқда бир гўзал қиз ва оқловчи  
қиздан. Узоқ учибди. Қиз сўзсиз илпюминатордан  
ташқарини томоша қиларди. Ахйри оқловчи соҳибжамолга  
қараётди.

— Кейинг, сизга бир савол бераман. Билмасангиз, беш  
доллар берасиз. Сўнгра сиз савол берасиз. Билмасам, 500  
доллар бераман.

Журинко рози бўлди:

— Овдан Ерача бўлган масофа қанча? — савол берди



оқтовчи. Сохибжамол сўзсиз унга 5 доллар берди. Кейин у оқтовчига савол берди:

– Тоққа ким уч оёқда чиқиб, тўрт оёқда қайтиб тушади? Орадан икки соат ўтди, оқтовчи барча дўстларини кўнгиروق қилди. Интернетдан кидирди. Аммо жавоб топа олмади. Нима ҳам қиларди, 500 доллар берди ва жавобини сўради. Сохибжамол яна сўзсиз 5 доллар берди-да, нигоҳини ташқарига қаратди.

### «ПРОКУРОР КЎЙМАЯПТИ...»

– Дада, шу тўғрими, катталарда сўз бойлиги юқори эмиш? – Албатта, ахир улар кўпроқ китоб ўқишган-да.  
– Нега унда катталар учун яратилган фильмларда улар жуда ҳам оз гаплашишади?

\*\*\*

Петька Василий Иванович Чапаев хузурига келса, у астойдил ўтириб зўр бериб ниманидир ёзарди.

– Нима қилгансан? – сўради Петька.  
– Мана, кўریانсан-у, Опера ёзганман.  
– Йў-е! Сен умуман қимсан – Бах ёки Моцарт?  
– Опер келсин-чи. У ўзи ҳал қилиб беради бу ерда ким Бах-у, ким Моцарт эканини.

\*\*\*

– Алло! Алло! Ёрдам беринг. Кўлни синдириб қўйдим.  
– Сиз дашдингиз. Мен ҳужуқшунослик фанлари доктори оқтовчиман. Сизга шифокор керак.  
– Дадаганим йўқ. Ўзимнинг кўлимни синдирганим йўқ...

\*\*\*

– Ёзда қаёққа борасан?  
– Балки Сибирда сарсон-саргардон бўларман.  
– Нима қиласан у ерда?  
– Ўзимга қолса, бормасдим. Аммо прокурор кўймаяпти,

\*\*\*

– Хой киз, уяли телефонингиз рақамини айтиб юборинг,

– Телефонингни ўғирлаб қўйишди.  
– Буни билманам...

\*\*\*

– Ананим, сен билан мен Ер юзидagi энг баланд, катта ва ёлғиз-туғанмас ҳисси тоғдим.

– Сенингими?  
– Сабрми.

\*\*\*

Армон радиосига савол тушди.

– Бир алоҳида давлатда социализм куриш мумкинми?  
Армон радиоси жавоб берди:

– Бир мамлакатда социализм куриш мумкин, аммо бошқа мамлакатда яшашга тўғри келади.

\*\*\*

Мен қонда: ҳар бир давлат амалдори ўз вазифасига қилинган олддин Расмийчилик қасамёдини қилиши лозим.

\*\*\*

Олимларнинг аниқлашича, энг тушунарли тил Хитой тили-дир. Уни 1,5 миллиард киши тушунади.

\*\*\*

Штирлиц камоххона камерасида ўзига келди. У бу ерга келганда тушиб қолганини, булун қайси қулигини, шаҳарда ким кўнганлиги қилаётганини эслай олмади. Узоқ ўйлагандан кейин у шундай қарорга келди: Агар гестапочилар келса, эҳтиёт, Гитлер, мен – штандартен фюрер СС фон Штирлиц!» деди. Агар совет аскарлари келса, «Мен – полковник Исаев» дедиган бўлди. Шу пайт олдига милиционер кирди ва деди: «Сенга улундай ичбисиз-да, ўртоқ Тихонов».

\*\*\*

– Бу аёллар охири, хавфсизлик хизматида кўнгиروق:  
– Қушимда жуда кўп пул бор.

– Тезда етиб борамиз.

– Бу аёллар охири, хавфсизлик хизматида кўнгиروق:  
– Қушимизнинг пули жуда кўп.



- Нима бўлти?
- У давлатникини ўтирлаган.
- Ҳозир борамиз.
- 90-йиллар охири, хавфсизлик хизматиға кўнғироқ:
- Қўшнимизнинг пули кўпайиб кетди.
- Нима бўлти?
- У давлатдан ўмарган.
- Ҳечқиси йўқ.
- Ундан солиқ тўламаган.
- Ҳозирок борамиз.

## АНТИҚА ЁЗУВЛАР

«Мен, Зайцев Георгий Павлович, 1952 йилда туғилганман. Шу йилнинг 10 июл куни болохонада пиво ичиб ўтиргандим. Бир пайт пастки каватдаги болохонада мушук чумчуқчани қийнаётганини кўриб қолдим. Мен зудлик билан қўлимдаги шишани мушукка олдим. Аммо шиша, кўчада кетаётган йўловчига тегди. У эса милиция чақирди. Айбимга тўла иқрорман. Бундан кейин ҳеч қачон чумчуқларга раҳм қилмасликка сўз бераман».

(Тушунтириш хатидан)

\*\*\*

«Назаримда, Пашковский мени таниб қолди. У олдимга қилиб: «Эх, аблаҳ!» деди-ку...»

(Тушунтириш хатидан)

\*\*\*

«Айик кемага жуда яқин келиб қолганди. У оқ айикларни овлаш таққиклангани, камайиб кетаётганини, хатто Қизил китобга киритилганини ҳам биларди. Шунинг учун кўркамий қорларди».

(Телекўрсатувидан)

\*\*\*

«Агар сиз мени қаёқларгадир ёзиб шикоят қилишимни хоҳламасангиз, яхши маош билан менинг оғзимни маҳкамлаб қўйинг».

(Йўлчидаги подшо)

\*\*\*

«Қоранглар, якшанба куни бўлишига қарамай, кўпчилик қоранглардан бўлса-да, стадионда муҳлислар жуда кўп.

(Футбол шарҳидан)

\*\*\*

«Тўрмушга чиққанлигим муносабати билан 11 майдан 13 майгача ишда бўлмадим. Келгусида бундай ҳолат кўриб қолмайди».

(Тушунтириш хатидан)

\*\*\*

«Масалан, мен хотиним билан 32 йил яшадим. Ҳеч қандай сўз бўлмади.

(...эшиттиришдан)

\*\*\*

«Мен ҳақиқатда ароққа сув қўшганман. Мақсадим, ароқ кўнғироқ бўлиб, мижозлар маст бўлмасалар ва уришмасалар. Агар тоқширув бўлишини билганимда, бу ишга асло қўл қўрмайдим. Мента деса бир-бирини ўлдириб юбормайдими ҳақиқатлар».

(Буфетчининг тушунтириш хатидан)

Мен – Петров Т.Г. 1987 йилнинг 20 март куни хотинимнинг кўнғироқ қатнашганлигим муносабати билан ишга чиқолмадим.

(Тушунтириш хатидан)

\*\*\*

«Бил айиклар тўғрисида кетар экан, биз сизларга яна бир айиклар оиласини таништирамиз. Бу – Александр ва Нелли Матмоқовлар оиласидир.

(Радиоэшиттиришдан).

\*\*\*

«Мажнат унумдорлиги ва сифатини ҳамда хизмат кўрсатиш наъзанинтини кўтариш мақсадида ҳар бир мижознинг баҳоси 2 тоғинга оширилсин.

(Сартарошхонадаги мажбурият).



\*\*\*  
Турмушга чиқиш учун уч кунга рухсат беришингизни сўрайман. Илтимос, рад этманг.

(Никох тўй муносабати билан тавылга чиқиш ҳақидаги аризадан)

\*\*\*  
Мен уч литр самотон тайёрлаб, йилгиларнинг мавилати учун бир банкасини ишга олиб кетган эдим. Билетсиз кетаётганим учун трамвайда ушландим. Шунда самотон олиб кетаётган лигим аниқланиб, ишим терговга оширилди. Мен айбимин икроман. Келгусида билетсиз юрмаслиққа ҳаракат қилман.  
(Тушунтириш хатидан)

\*\*\*  
Назорат савдоси пайтида икки шахтёр ҳақида 9 тийинга хийнат қилганлигим тўғри. Уларга энди рўбарў келмаслиққа ҳаракат қилман.

(Сотувчининг тушунтириш хатидан)

\*\*\*  
Чорвачилиқда қопоқлиққа тушиб колганимизнинг асосини сабаби кисири сипирларнинг масъулиятсизлигидир.

(Маърузадан)

\*\*\*  
Мен шифокор Кирилловдан жуда миннатдорман. Жарроҳлик муолажасидан кейин ўзимни жуда яхши ҳис қилгилман. У менинг ҳақиқий отам бўлди. Хохлардимки, у болапаримга ҳам оталиқ қилса.

(Касалхонага тушган хатидан)

\*\*\*  
Мен Гринкони хушёр пайтида қандайлигини жуда яхши билгилман. Аммо у камдан-кам хушёр бўлган. Уни фарқлов гунимизча ишдан ҳайдалиб бўлди.

(Маърузадан)

\*\*\*  
Сизга яшаш учун яна бир сутка муддат берилади ҳолоқ. Шундан кейин ҳеч қанака ёрдам бера олмайман.  
(Меҳмонхона маъмуриятининг огоҳланттуриши)

\*\*\*  
Шундан ишчилар борки, ичиб ҳам кунда ишлай олади-лар. Масалан, Сергеев Н.П. жума куни кечкурун ўлардек кетди эди. Шанба куни эрталабдан ишда бўлди. Улар каттабиннинг бой тажрибаси билан ёшларга ибрат намунаси бўладилар.  
(Нулқдан)

\*\*\*  
Нестеров Юрий Иванович заводда икки ойдан бери иш-найдан. Ҳали ойлик олишга эришмади ва бу муддатда меҳнат ширинлигини бўиш бўйича ўз қобилиятини кўрсата олмади.  
(Миллицияга ёзилган ҳарактеристикадан)

\*\*\*  
Мен уч тракторимга хотинимдек муносабатда бўлгилман.  
(Радиовозшилттуришдан)

\*\*\*  
Ишнингбозлиқ туфайли ишга чиқа олмадим. Аммо мен шифокор эмасман. Ичкиликка қарши муолажанинг дастлабки келгилмиздан сўнг организм спиртни ҳақиқатда қабул қилгил-масъулиятини билгилша қарор қилгилдим. У қабул қилди.  
(Тушунтириш хатидан)

\*\*\*  
Бизнинг жамоа олтин жамоа, ўртоқлар! Ҳатто олмос, агар қайсиби бериб бориқса, зумрадга айланади.

(Маърузадан)

\*\*\*  
Ишдаимир Георгиевич!  
Сиз 14.02.82 й. соат 12-00да итлар йиғини ва суҳбатига келгилгил аттилангилсиз. Албатта келгилшингиз сўралади.  
(Итлар клуби тақрифномаси)

\*\*\*  
Бу ердан иш вақтида ичадигилан аёллар тўғрисида гапиргил-ган бўлгилса хид олмаслиқ керак. Ваҳоланки, Маня ва Катя келгилгилер пайтдан кўра ичганда яхши ишлалади.  
(Нулқдан)



\*\*\*

Питомникада итлар кўл, аммо биз итчилик клуби ҳисобидан овқатланамиз.

(Радиоэшиттиришдан)

## ЭР ВА ХОТИННИНГ ЮЗИ

Эр ошхонада туриб хотинига деди:

— Таом яна товук гўштиданми? Яқинда мenden канот ўсиб чиқа бошлайди.

— Нима, мол гўшtidан тайёрлаб, шохингни ўстиришим юракми? — деди хотин.

\*\*\*

— Тирноқларим жуда мўрт-да, нима қилсам экан?

— Кўпроқ кальций истеъмол қилиш керак.

— Кальций нимада бўлади?

— Тирноқда-да...

\*\*\*

Эрнинг кўлаги — хотиннинг юзи,  
Хотиннинг шубаси — эрнинг юзи!!!

\*\*\*

— Азизим, мен сен билан ажрашялман!

— Нима, яна сувараклар сенинг миёнда менга қарши олов беришяптими?

\*\*\*

— Полицияга қандай борса бўлади?

— Жуда осон. Анаву тошни олин-да, дўкон пештахтадан ойнасига уринг. 5 дақиқа ўтгач, истаган жойингизда бўласиз.

## «ТЕБА»НИ ЁЗИШГА КИРИШГАНМАН

Куларнинг бирида Достоевскийнинг уй телефони жиринглади — Федя, мен Чернышевскийман. Булун менинг биринчи никоҳ кечам. Нима қилишим керак?

— Бундай кечада Достоевский «Теба» романини ёзишга киришган.

\*\*\*

Отага берилган саволлар:

— Ойи, куткам қани?

— Ойи, сўмак қаерда?

— Ойи, нимани қий?

— Ойи, нонуштага нима олай?

— Ойи, пул беринг.

— Ойи, менинг шимим қани?

Отага берилган савол:

— Дад, ойим қаерда?

\*\*\*

Париж — Дакар оралиғи, бу — ҳеч нарсга эмас. Аммо аванс — ойлик ораси, мана буни ҳақиқий синов деса бўлади.

\*\*\*

Пул шуундай бевафоки, кўчага чиқсанг эргашади, уйга қайтсанг бирга қайтиши қаёқда?

\*\*\*

— Кечирасан, кўнғироғингни эшитмабман.

— Ҳечқиси йўқ.

— Ҳа, буни 62 марта кўнғироқ қилганингдан ҳам дарҳол билим.

\*\*\*

Рабиновичдан сўрашди:

— Исроил мустақиллиги учун сигирингни қурбонлик қилиб кўнғирмадинг?

— Ҳа.

— Чўққангни-чи?

— Албатта.

— Экинчиги ҳам қурбон қиласанми?

— Экинчи, йўқ, ҳеч қачон!

— Нега?

— Чўққи сигир ва чўқа йўқ, эчким эса бор.

\*\*\*

Билки Рабиновичнинг ўғли тилла тангани ютиб юборди. Ун нуздан сўнг шифокор чақирди.

— Нега мени дарҳол чақирмадингиз? — хайрон бўлиб сўради шифокор.



— Одамлар менга танга жуда керак экан, деб ўйламасликлари учун, — деди Рабинович гурур билан.

\*\*\*

— Кеча қизчам билан мушукчанинг расмини чизган эдим, Эрталаб эшитимиз олдида худди шундай мушукча пайдо бўлди. Бугун Испанияда уй, машина ва шубаларнинг расмларини чизмоқчимиз...

\*\*\*

Олийгоҳда лекция. Ўқитувчи орка катордаги шовкин сопаётган талабаларни тартибга чакирди.

— Орқадагилар, ўртакастордаги жимгина карта ўйнаётганлар сингари тек ўтирсанглар, олди катордагиларга бемалол ухлашга имкон берардинглар.

## АСАМАРИ УАСИГА ПАШШАЛАР ЖОЙЛАШТИРИСА ЭДИ...

Шотландиялик йигит Оксфорд университетига ўқишга кирди. Бир йилдан сўнг ота-онаси уни кўргани келишди. У ётоқхонасини кўрсатди.

— Қапай, ўғлим, сени бу ерда хафа қилишмаптими? — сўрашди улар.

— Йўқ. Мана бу каравотда битта курсдошим ётади. Жудан совуқ йигит. Тунда жойидан туради-да, ўзининг тилида бир баюлар деб сўкинади. Мана бу каравотдаги яна бир шерн тимиз. Бунинг ҳам ақли жойида эмас. Тун ярмида уйғониб олади-да, бошини деворга ура бошлайди. Фирт жинни.

— Бундай шароитда қандай яшапсан, ўғлим?

— Мен уларга эътибор бермайман. Тўни билан доминини машғулотиш — чолгу асбобимда куй чалганим-чалган.

\*\*\*

Мушук мушукка деди:

— Сенинг қизил рангли куёшдан сақловчи ажонинг кўзойнагинг қалай энди?

— Хўжайин бунга менга бўткани қийма сифатида қабул қилсин деб сотиб олиб берган.

\*\*\*

— Абрам! Мен сента ахлатни тўкиб кел, деб икки соат аввал айтганидим. Қаяқларда юрибсан?

— Сара, уришмагин. Мен ахлатни биратўла сотиб келдим-да.

\*\*\*

Икки яхудий учрашиб қолдишди:

— Сен Исаак Левитан қимлигини биласанми?

— Йўқ.

— Авраам Линкольнни-чи?

— Йўқ, билмайман.

— Мен эса билман. Чунки мен турли маърузаларга каттаман. Музейларга бораман.

— Ёлвақалло! Менга айт-чи, Мойша Кац ким?

— Билмайман. Ким у?

— У сен музей-у, маърузаларда юрганнингда уйингга бориб турадиган одам.

\*\*\*

Хайвонот боғида:

— Ўқинида маймунимиз ўлиб қолди. Унинг ўрнига сиз туриб бера оласизми?

— Кулимдан келармикин? — иккиланди талаба.

— Спорт билан шугулланасизми?

— Ҳа.

— Билди маймун териси бор. Қоровул ёки эшиқбонга юртанида кўлроқ тўлаймиз.

Ахир талаба рози бўлди. У кафасда ўтириб маймунга яна турли қилиқлар билан боғларни шод этди. Кечкурун ёни ёлтиганда у ташқарига чиқди. Аммо чиққанига пушаймон бўлди. Чунки рўпарасидан шер келарди. Талаба униб ўйлади: «Бекор рози бўлган эканман. Қанча тўлашса ҳам».

Шер эса унинг олдида келгач, тилга кириб одамларча гапирди:

— Салом! Сен қайси факультетдансан?

\*\*\*

Она ва бола истироҳат боғида сайр қилишмоқда. Шу пайт ағуридан бир кабўтар улар томон кела бошлади.



- Ойи, нон борми? – сўради бола.
- Нонсиз ея қол – деди она.

\*\*\*

